



Бу диёрда азиздир инсон!

Жарайон

Шўрчи туман ижтимоий-сиёсий газетаси

Газета 1936 йил 19 октябрдан чиқа бошлаган

2023 йил 14 февраль, сешанба

№ 1-2 (7538-7539)

ISSN 2181-6050

E-mail: jarayon_36@umail.uz

2023 ЙИЛ-«ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ»



МЕХНАТ, ИЗЛАНИШ БОР ЖОЙДА ЮКСАЛИШ ҚАРОР ТОПАДИ

Туман ҳокими Улғубек Зокиров иш бошлаганига ҳали ҳеч қанча вақт бўлмасада, туман аҳолиси, тадбиркорлар ва фермерлар яқиндан таниб улғуришди. Негаки тиниб-тинчимас раҳбар аҳоли яшаш шариоити турмуш тарзи билан иш фаолиятининг дастлабки кунидан ўрганишга тушди. Муаммо, камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини обдон ўрганиб, бартараф этиш борасида туман масъулларига тегишли кўрсатма ва тақлифларини бериш баробарида масала ечимини ҳам алоҳида

назоратга олган.

Туман ҳудудидаги 47та кўп қаватли уйжойларнинг коммунал шарт-шароитларини (ичимлик суви, газ, канализация, ташқи фасад ишлари) ва ободонлаштириш ишларини қисқа кунларда ўрганиб чиқиб, мутасадди ва масъулларга ҳозирда керакли кўрсатма ва топшириқлар берилган. Ҳозирда туман ҳудудидаги кўп қаватли уйларда таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб боришмоқда.

Тумандаги маънавий-маърифий муҳитни хусусан сифат-

ли таълимни яхшилаш борасидаги юмушни кунлик иш режимида жой олган туманнинг биринчи раҳбари туман Халқ таълими бўлимига қарашли қатор таълим масканларида бўлиб, сифатли ва самарали таълимни йўлга қўйиш борасида соҳа ходимлари фаолиятига танқидий ва таҳлилий баҳо бериб галдаги вазифаларни кўрсатиб ўтди.

«Ер-элни тўйдирди» деган нақл бор, халқимизда. Албатта, деҳқон тадбирли, тупроқ билан тиллашадиган ернинг ҳар бир қаричидан унумли

фойдаланадиган деҳқон бўлгандагина дастурхонларимиз тўкин-сочин, бозорларимиз обод, турмушимиз фаровон бўлади.

Айни вақтда туманимизда 82та чорвачилик, 122та боғдорчилик ва узумчилик, 51та балиқчилик фермер хўжаликлари мавжуд. Кун кеча туман ҳокими У.Зокиров ҳокимлик мажлислар залида тумандаги чорвачилик, боғдорчилик ва балиқчилик фермер хўжаликлари раҳбарлари билан учрашув ўтказиб, уларнинг фаолиятлари ҳоким томонидан сарҳисоб

этилиб, хўжалик раҳбарларига аҳоли ва бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда сифатли ва бозоргир қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш кўрсаткичларини кўтариш борасида керакли кўрсатма ва тавсиялар берди.

Туман раҳбари сўзи якунида фермер, тадбиркорларни иқтисодий қўллаб-қувватлаш, кредитлар ажратиш, зарурий шарт-шароитлар яратиш бериш ҳокимликнинг диққат марказида эканлигини таъкидлади.

Н.НОРҚОБИЛОВ,
журналист.

Тадбиркорлик жамиятда ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги мавжуд муаммоларни ҳал қилишда ва жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида катта роль ўйнайди. У ишлаб чиқариш, иш бажариш, хизмат кўрсатиш соҳаларида янги иш ўринлари яратиб, аҳолини иш билан таъминлаш ва ишсизликни камайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ

Ривожланган мамлакатларда ҳам, Ўзбекистонда ҳам ҳар йили яратилаётган янги иш ўринларининг ярмидан ортиғи кичик ва хусусий тадбиркорликка тўғри келади. Демак, тадбиркорлик аҳолининг иш билан бандлиги, меҳнат ва иқтисодий фаоллигининг ўсиши ва бунинг натижасида унинг даромадларининг ошишига катта ҳисса қўшади. Бу жараённинг икки оқибатини эътиборга олиш лозим: бир томондан, аҳолининг моддий ва маънавий эҳтиёжларининг ўсиши, кенгайиши бўлса, иккинчи томондан, уларни тўлароқ қондириш имкониятларининг яратилишидир. Бу пировард натижада аҳоли ҳаётини яхшилаш, турмуш даражасини кўтариш, фаровонлигини оширишни таъминлайди. Тадбиркорликнинг ривож-

ланиши билан унинг мазкур соҳадаги роли ортиб боради.

Тадбиркорларнинг маълум қисми оёққа туриб, янада ривожланиши оқибатида улар мулкдорларга айланадилар. Бу эса жамиятда янгича фикрлайдиган, ҳаракат қиладиган янги авлод-тадбиркорлар, мулкдорлар табақасининг шаклланишига олиб келади. Бундай шахслар давлатнинг ижтимоий таянчи ва иқтисодий тараққиёт манбаи ҳисобланади.

А.БАРИНОВ,
туман Статистика бўлими бош мутахассиси.

ДУНЁ ТИЛЛАРИ ҲАҚИДА БИЗ БИЛМАГАН ҚИЗИҚАРЛИ ФАКТЛАР

«Тил—шунча шараф билан нутқнинг қуролидир. Агар нутқ номаъқул бўлиб чиқса тилнинг офатидир.»

(Алишер Навоий).

Тил миллатнинг мулки, унинг ҳаёти, ўтмиши, келажаги, қалби ҳисобланади. Ҳар бир миллатнинг тилида ўша халқнинг қадрияти, маънавияти, ўзлиги намоён бўлади. Демак, тил-миллатни миллат, халқни халқ қилиб бириштириб турадиган бебаҳо, нодир ҳазинадир. Бу ҳазинада ўша миллатга тегишли бўлган маънавият минг йиллар, асрлар давомида сайқалланиб, ривожлантирилиб, кўз қорачиғидай асраб-авайлаб келинади. Шу ўринда тил ҳақида қадимги ривоятни келтириб ўтсам.

«Қачонлардир одамлар ер юзиде жуда бахтли ҳаёт кечира бошлашибди. Улар шу қадар фаровонлик ва тўқисликда яшабдиларки, ўз имкониятларидаги деярли барча нарсаларга эришибдилар. Шунда чегара билмас инсон истаклари еттинчи осмонга етишмоқни хоҳлаб қолибди

ва инсоният бунинг учун осмонўпар минора бино қилишга киришибди. Аммо Яратган бандаларнинг ушбу ҳаракатидан норози бўлиб, иншоот охиригача битмаслиги учун одамларни бир-бирини тушуна олмайдиган қилиб, барчасининг тилларини ўзгартириб қўйибди. Ана шу тарзда дунё тиллари вужудга келибди», дейилади Бобил миянарасининг қурилиши тарихида.

Бугунги кунда дунёда 6 мингдан ортиқ турли тиллар мавжуд. Улар орасида энг мураккаб, энг кенг тарқалган ва бошқа «энг», «энг», «энг» хусусиятлари мавжуд. Куйида биз дунё тиллари ҳақида биз билмаган энг қизикarli фактлар ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Деярли барча тилларда «Она» сўзи «М» ҳарфи билан бошланади. Инглиз алифбосидаги энг кўп ишлатиладиган ҳарф «Е».

Мурей дарёсининг ўзанида яшовчи Австралиялик аброгенларнинг тилида 1 сони «enea» дейилади, 2 сони « петжевал» дейилади, 5 сони

эса саккизта турли ибора билан айтиш мумкин, масалан «петжевал енеа».

Америкалик ёзувчи Эрнест Винсент Райт ўзининг «Гедсби» романида 50 000та сўз ишлатган бўлиб, уларнинг ҳеч бирида «Е» ҳарфи (инглиз тилида энг кўп учровчи ҳарф) йўқ.

Ветнамнинг баъзи минтақаларида Седанг деб номланган тил кенг тарқалган бўлиб, алифбосида элликтагача унли товушлари мавжуд.

Боугинвиле оролининг туб аҳолиси 11та ҳарфдан иборат ўз тили ва алифбосига эга.

Африкада гапириладиган бербер тилларининг аксарияти ёзма шаклга эга эмас.

Олти тил БМТда расмий мақомига эга, улардан бири рус тилидир.

С.ШУКУРОВА,
18-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси.

МАҲАЛЛА - ХАЛҚ ВИЖДОНИ

«Боботог» МФЙда ўтган йилнинг август ойидан шу кунга қадар 35та оилага имтиёзли кредит олиб беришга қўмаклашилган бўлса, 130 нафар ишсиз фуқаролар ишга жойлаштирилди. 124та фуқаро ўзини ўзи банд қилиш орқали бандлиги таъминланган. Шунингдек, шу давр мобайнида маҳаллада 21та оилага 15 сотихдан деҳқончилик ишлари билан шуғулланишлари учун ер ажратиб берилди.



Мамлакатимизда жамият ҳаётининг турли соҳаларида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини бермоқда. «Боботог» маҳалла фуқаролар йиғинида жами 9та «Ойбек», «Х.Олимжон», «А.Темур», «У.Мусиров», «С.Айний», «У.Юсупов», «Мустақиллик», «Ўзбекистон», «Р.Акбергенов» кўчалари мавжуд бўлиб, уларда жами 515та хўжалик, 3275 нафар аҳоли истиқомат қилади. Шундан 1554 нафари эркаклар, 1721 нафари аёллар.

Маҳалланинг асосий «ўсиш нуқта-

лари» яъни драйвери Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳисобланади. Маҳалла ҳудудида жами Шунингдек, ҳудудда МЧЖ, 1та 100 тонналик мева-сабзавотларни сақлаш омбори, 6та миллий қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи, 2та нон маҳсулотли ишлаб чиқариш, 2та блок гишт ишлаб чиқариш, 6та автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устaxonаси, 2та тўйхона, 2та ҳаммом, 1та хусусий шифона, 6та хусусий болалар боғчаси фаолият юритапти.

Маҳаллада жами 464та савдо ва

маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, 1та мини-футбол стадиони мавжуд. -Маҳалла фуқаролар йиғинида 9 ой давомида олиб борилган ишлар ҳусусида ҳисобот берар эканман, куйидагилар ҳақида қисқача тўхталишни лозим топдим. Мен ўтган йилнинг 19 май кундаги фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловида сайландим ва яна бир бор мени қўллаб-қувватлаб, менга ишонч билдирган маҳалладошларимга миннатдорчилик билдираман.

➔ 2

МАҲАЛЛА - ХАЛҚ ВИЖДОНИ

/Давоми. Боши 1-бетда./

Иш фаолиятимни сайланган кунидек, маҳалладаги “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” билан танишишдан бошладим. “Темир дафтар”га 1та, “Аёллар дафтари”да 65та ва “Ёшлар дафтари”да 34 нафар ёшлар рўйхатга олинганлигини аниқлагач, маҳалла жамоаси яъни, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори ва ёшлар етакчиси билан уларнинг яшаш шароити, оилавий аҳволи, эҳтиёжи ва муаммоларини ижобий ҳал этиш учун режалар белгилаб олдик-дейди, “Боботоғ” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Р.Шойкулов. –“Темир дафтар”да рўйхатда турган Гулчехра Эсанованинг оиласига моддий ёрдам тайинлашда кўмаклашган бўлсак, Соҳиба Розикова ва Шохида Ҳрозоваларнинг оиласига озиқ-овқат маҳсулотлари етказдик, Бибиноир Шерниёзованинг оиласига бир марталиқ моддий ёрдам ва фарзандига мактаб формаси ажратилди.

Шунингдек, маҳалламиздаги кам таъминланган, эҳтиёжманд оилалардан Мукаддам Ҳозиева, Ҳуғилой Бойматова ва бошқа бир нечта оилаларга ҳомийлар ёрдамида озиқ-овқат маҳсулотлари берилди.

Кекса ва нурунийларимиздан Рузихол Абдурахмонова, Жангил Турсунова ва бошқа кексаларимиз ҳолидан хабар олиниб, уларга ҳам ҳомийлар томонидан моддий ёрдамлар кўрсатилди.

Анча йилдан буён бетоб бўлиб ётиб қолган Жангил Турсунованинг ҳолидан хабар олиниб, ҳомий томонидан бир дона ногиронлик аравачаси ва бошқа ёрдамлар кўрсатилди. Ўзбекистон кўчасида яшовчи эҳтиёжманд оилалардан Ойнаҳол Бегимкулова уй-жой қуришида ёрдам берилиб, ҳомийларимиз томонидан цемент,

“Боботоғ” МФЙда ўтган йилнинг август ойидан шу кунга қадар 35та оилага имтиёзли кредит олиб беришга кўмаклашилган бўлса, 130 нафар ишсиз фуқаролар ишга жойлаштирилди. 124та фуқаро ўзини ўзи банд қилиш орқали бандлиги таъминланган. Шунинг-

тириш ишлари олиб бориб ва суҳбатлар ўтказилди.

Китоб туман ИИБ раҳбарияти томонидан эълон қилинган “Давомат”, “Тозалаш-Антитеррор” тадбирлари ва “Ёнғин хавфсизлиги” ойлиги ҳудудида кенг кўламда олиб борилди, тадбирлари давомида маҳал-

тадбир давомида маҳаллада тунги вақтда фаолият олиб бораётган ошхоналар, савдо дўконлари ва шу каби бошқа кўнгилочар масканларнинг фаолиятини тунги вақтларда чеклаш, тунда содир этилаётган ўғирлик ва бошқа жиноятларнинг олдини олиш мақсадида маҳаллада яшовчи фуқаролардан навбатчиликлар ташкил



дек, шу давр мобайнида маҳаллада 21та оилага 15 сотихдан деҳқончилик ишлари билан шуғулланишлари учун ер ажратиб берилди.

Маҳалламиздан 65та хотин-қизлар 5та йўналиш бўйича “Аёллар дафтари”га киритилган. Шундан 36 нафари даромад манбаига эга бўлмаган, ишсиз хотин-қизлар ҳисобланади. Ҳозиргача улардан 4 нафари доимий иш билан таъминланган бўлса, яна 7 нафари ўзини ўзи банд қилиш орқали бандлиги таъминланди. “Аёллар дафтари”га киритилганлардан 15 нафарига 540.000 сўмдан, 36 нафар аёлларга 600.000 сўмдан бир марталиқ

ла ҳудудида жойлашган 36 умумий ўрта таълим мактабида ўқувчиларнинг дарсга қатнашишлари назорат этилиб, доимий равишда дарс қолдираётган ўқувчиларни яшаш жойларига бориб, уларни ўқишга бормаётганлиги сабаблари ўрганилиб, ўқишга жалб этиш чоралари кўрилди, бундан ташқари кам таъминланган ва ёрдамга муҳтож ўқувчиларни аниқлаб, уларга моддий ёрдам кўрсатилишини, туман ҳудуди бўйича ўтказилаётган кенг қамровли “Тозалаш-Антитеррор” махсус тадбири бўйича маҳалла ҳудудида жойлашган қорхона, ташкилот, муассасалар ва хусусий ишлаб чиқариш ҳамда

этилган,

Жойларда тайинланган ҳоким ёрдамчилари томонидан ҳудуддаги яшовчи аҳолининг тадбиркорлигини ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш асосий вазифа қилиб белгиланган берилган.

“Боботоғ” МФЙ ҳоким ёрдамчиси тавсияси асосида мазкур аниқланган оилаларга субсидиялар ажратиш бўйича тавсияномалар берилиб, босқичма-босқич давлатимиз томонидан ўзини-ўзи банд қилган ҳолда оилавий шароитини яхшилаш мақсадида ёрдамлар кўрсатилиб келинмоқда. Мазкур йўналиш бўйича маҳалламиздан 12та оилага ёрдам кўрсатиш мақсадида, МФЙ раиси, Хотин-қизлар фаоли ва ҳоким ёрдамчиси томонидан субсидия асосида иш ва меҳнат қуруллари олиб бериш учун тавсияномалар берилган. Шу кунгача 1та “Темир дафтар”да турувчи фуқаромизга тикув машинаси олиб берилиб, бандлиги таъминланган бўлса, яна 5 нафар фуқаромизга ҳам асбоб-ускуна билан таъминлаш бўйича буйруғи чиқарилиб, яқин кунларда ушбу фуқароларимизга етказилиб, бандлигини таъминлаш кўзда тутилмоқда.

Маҳалла ёшлар етакчиси томонидан ёшлар ўртасида бешта муҳим ташаббус бўйича мунтазам тарзда оммавий, бадий ва спорт мусобақаларига маҳалла ёшлари жалб этилиб, фаол ёшлар маҳалла ва ҳомийлар томонидан эсдалар ва қимматбаҳо совғалар билан рағбатлантирилиб келинаёпти.

“Биз ёшлар соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз, жиноятчиликка қаршимиз” шиори остида жорий йилнинг 14-январь “Ватан ҳимоячилари” куни арафасида маҳалла ёшлари орасида спортнинг минифутбол тури бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Тадбир ташкилотчилари ва ҳомийлар томонидан 1-ўринни кўлга киритган жамоага 700.000 минг сўм, 2-ўринга 500.000 минг сўм, 3-ўринга 300.000 минг сўм пул маблағлари топширилди.

Шунингдек, “Китоб-билим булоғи” мавзусида маҳаллада ёш китобхонлар орасида беллашувлар ташкил этилди. 30дан ортик ёш китобсеварлар бадий адабиётлар жамланмаси ва эсдалар совғалари билан рағбатлантирилди.

Низом НОРҚОБИЛОВ,
“Жараён” муҳбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисидаги фармони (ПФ-14-сон, 25.01.2023 й.) билан қуйидагилар тасдиқланди:

бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони (56 573 нафар);

Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ягона рўйхати (жами 69та, шундан вазирликлар – 21та, қўмиталар – 12та, агентликлар – 25та, инспекциялар – 11та).

Вазирлик ва идоралар тизимида жами 17447та штат бирликлари қисқартирилиб, уларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари ҳисобидан қўшимча бошқарув штат бирликларини киритиш қатъиян тақиқланади.

Шунингдек, Республика ижро этувчи ҳокимият органлари-вазирликлар, қўмиталар, агентликлар ва инспекцияларда таркибий бўлинмаларни шакллантириш ҳамда лавозимларни жорий этишга оид ягона талаблар тасдиқланди.

Жумладан, раҳбар ходимлар ва ижрочилар нисбати марказий аппарат бўйича камида 1/3 нисбатда бўлиши лозим.

Вазирларнинг фаолиятини стратегик вазифаларни ҳал этишга йўналтириш мақсадида улар фаолиятини ҳуқуқий, ташкилий-техник, ахборот-таҳлил, назорат ва протокол жиҳатдан таъминлайдиган Вазир котибияти ташкил қилиши мумкин.

Марказий аппаратларда қуйидаги таркибий бўлинмалар (лавозимлар) ташкил этилиши мажбурий ҳисобланади:

стратегик режалаштириш ва методология; жамоатчилик билан алоқалар (ахборот хизматлари);

инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш;

ахборот таҳлил ва ижро интизоми;

муружаатлар;

ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва рақамлаштириш;

юридик таъминлаш;

коррупцияга қарши курашиш;

молия-иқтисод;

халқаро ҳамкорлик ва рейтинглар;

биринчи бўлим.

Фармонга кўра шунингдек, вазирлик ва идора фаолиятини мутлақо янги тизим асосида ташкиллаштиришни назарда тутувчи Президент ҳужжати лойиҳаси ишлаб чиқилади.

Қ.ПРИМОВ,
Шўрчи тумани адлия бўлими етакчи маслаҳатчиси.

ҲАР БИР МУРОЖААТДА-ИНСОН ТАҚДИРИ, ДАРДИ, МАНФААТИ МУЖАССАМ

/Давоми. Боши 1-бетда./

Масалан: Халқ қабулхонаси аралашуви ва ёрдами билан тумандаги “Жойилма” ва “Қақан” маҳаллаларидаги сув миноралари қайта таъмирланиб, ушбу муаммо қисқарди. Шу каби “Оққўрғон” маҳалласида яшовчи Турғуной Зиёкулованинг битказилмаган уй-жой қурилишига керакли қурилиш материаллари имконият даражасида ёрдам берилиб, Ободонлаштириш бошқармасидан ишчи кучи ажратилди. “Хушчекка” маҳалласида яшовчи 1950 йилда туғилган ёлғиз аёл Абдурахимова Ҳангалнинг қураётган уйига гишт, цемент маҳсулотлари олиб берилди.

Таҳлилларга қараганда энг кўп муружаатлар “Хурилик” (615та), “Жойилма” (604), “Наврўз” (537), “Дўстлик” (488), “Элбаён” (430), “Қўқлам” (381), “Олийҳиммат” (366), “Жарқишлоқ” (353), “Оққамар” (355), “Бобур” (354), “Оққўрғон” (328), “Ойнакўл” (328), “Ёшгайрат” (307), “Олатемир” (279), “Ялти” (276), “Гулистон” (275), А.Навоий (274), “Шалдирик” ва “Бахштепа” (268тадан), “Ибносино” (265), “Қора арик” ва “Қоқайди” (252тадан), “Оқтумшук” (250), “Совжиронбобо” (249), “Тамалдун” ва “Қақан” (246тадан), “Саксонкапа” (243), “Озод” (233), “Боботоғ” (232), “Лайлакхона” (227), “Офтобмакон” (223), “Гўзаллик” (220), “Хайрор” (142), “Хушчекка” (139), “Қўштегирмон” (126), “Бунёдкор” (120), “Шакарқўл” (108), “Қонобод” (104), “Фармакўрғон” (100) маҳаллалардан муружаатлар кўп тушган.

Муружаатларда кўтарилган масалалар таҳлилига кўра, болалар нафақа пули масаласида 952та, алимент ундириш масаласида 666та, электр энергияси таъминотида узилишлар ҳақида 574та, электр тармоқларини (трансформатор пункти, устун, сим ва бошқалар) қуриш ва таъмирлаш масаласида 263та (жами 837), маиший газбаллон бериш ҳақида 385та, ичимлик сув таъминоти масаласида 224та, уй-жой билан таъминлашни сўраб 283та, уй-жой қуриш ва таъмирлашга ёрдам сўраб 218та, давлат ташкилотига ишга кириш (270) ва мутахассислиги бўйича иш билан таъминлаш (138) жами 408та, масаласида муҳтожларга бир марталиқ моддий ёрдам сўраб 400та, ички йўлларни таъмирлаш масаласида 347та, даволаниш ва жарроҳлик амалиёти учун моддий ёрдам бериш масаласида 296та, иш билан таъминлаш ва мутахассислиги бўйича ишга тайинлаш ҳақида 376та, фарибгарлик ҳақида 199та, қадастр ҳужжатларини расмийлаштириш ҳақида 156та муру-

жаатлар тушган.

Кейинги йилларда мактабгача таълим муассасалари ташкил этишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Жумладан, ҳозирги кунда давлат МТТлар сони 42та (6591 нафар), давлат хусусий шерикчилик МТТлар сони 14та (935 нафар), оилавий МТТлар сони 151та (3948 нафар) фаолият кўрсатиб келмоқда. Шу ҳисобда туман бўйича 20 минг 796 нафар боғча ёшидаги болаларнинг 6591таси ДМТТларда, 935 нафари ДХШ МТТда, оилавий боғчаларда 3948 нафар болалар туманда жами 11474 нафар (55,2%) болаларни қамраб олиниб, бу соҳада ижобий ўзгаришларга эришилди.

2020 йилда туман бўйича жами 70та мактаб фаолият кўрсатган бўлса, 2021 йил якунида туманда 2та мактаб биноси қурилган. Лекин, 2022 йил давомида бирорта янги мактаб биноси қурилмади. Ҳозирда мактабларда таълим олаётган ўқувчилар сони 41746 нафарга етди.

Кези келганда тумандаги сектор фаолиятига тўхталадиган бўлсак, секторлар фаолиятида ҳам ўтган йилда салмоқли даражада ижобий ишлар амалга оширилди.

Туман ҳокимининг 29.11.2019 йилдаги Қ-5931-сонли қарори билан “Хушчекка” маҳалласи ҳудудидаги 57-мактаб ўрнида янгидан 240 ўринли, “Қора арик” маҳалласи “Янгиер” қишлоғида 220 ўринли, “Бахштепа-1” маҳалласи “Қорасув” қишлоғида 176 ўринли, “Лайлакхона” маҳалласи “Бештом” қишлоғида 176 ўринли, “Дўстлик” маҳалласида 220 ўринли мактаб қурилиши ишлари бажарилмади.

Шу каби, тумандаги 41-мактаб, “Оққамар” маҳалласидаги 27-мактаб, “Бахштепа” маҳалласидаги 23-мактаб, “Хурилик” маҳалласидаги 20-мактаб ва 37, 8, 23, 22-мактабларда реконструкция қилиш ишлари, туман марказидаги 1-мактаб, “Олатемир” маҳалласидаги 16-мактаб, “Қоқайди” маҳалласидаги 65-мактабларда муқамал таъмирлаш ишлари бажарилмади.

Бундан ташқари “Лайлакхона” маҳалласида жойлашган 60-мактаб (илгари харбийлар қазармаси бўлган) биносида ҳозирда 239 нафар ўқувчилар таълим олмақда. Мактаб охириги марта 2008 йилда таъмирланган, ҳозирда мактаб синфхоналари, қўшимча хоналар, пол, эшик-деризалар, деворлар ва мебеллар яроқсиз ҳолатга келиб қолган. “Бахштепа” маҳалласида жойлашган 420 ўринли 51-мактаб охириги марта 2008 йилда таъмирланган, ҳозирда 420 ўқувчи ўрнига 673 нафар ўқувчи таълим олмақда. Мактабни қайта реконструкция қилиш, тумандаги 47-мактаб (охириги марта 2008 йилда таъмирланган), “Ҳайро-лаштириш” ҳақида 156та муру-

табнинг эски бинолари, “Жарқишлоқ” маҳалласидаги 420 ўринли 33-мактаб (ҳозирда 990 ўқувчи) 2004 йил таъмирланган, “Шакарқўл” маҳалласидаги 120 ўринли 32-мактаб (ҳозир 442 ўқувчи) 2008 йил таъмирланган, “Шалдирик” маҳалласидаги 320 ўринли 25-мактаб (ҳозир 707 ўқувчи), “Фармакўрғон” маҳалласидаги 29-мактаб (220 ўринли, ҳозирда 283 ўқувчи) 2005 йил таъмирланган бўлиб, ҳозирги кунда мукамал таъмирлаш ва реконструкция қилиш зарур.

Дастурда назарда тутилган мактабгача таълим соҳасида ҳам қамчиликлар мавжуд.

Жумладан, ҳозирги кунда давлат МТТлар сони 42та (6591 нафар), давлат хусусий шерикчилик МТТлар сони 14та (935 нафар), оилавий МТТлар сони 151та (3948 нафар) фаолият кўрсатиб келмоқда. Шу ҳисобда туман бўйича 20.796 нафар боғча ёшидаги болаларнинг 6591таси ДМТТларда, 935 нафари ДХШ МТТда, оилавий МТТларда 3948таси жами 11474 нафар (55,2%) болалар қамраб олиниб, бу соҳада ижобий ўзгаришлар бор.

Лекин, Дастурга киритилган “Жойилма” ва “Оққўрғон” маҳаллаларида 180 ўринли, “Фармакўрғон”, “Ойнакўл”, “Қўштегирмон”, “Шалдирик”, “Шакарқўл” ва “Ойнакўл” маҳаллаларида 150 ўринли мактабгача таълим муассаса бинолари қурилмади.

Соғлиқни сақлаш соҳаси ҳам қамчиликлардан ҳоли эмас. Республика бюджети ҳисобидан туман Тиббиёт бирлашмасига қарашли 88, 89, 90, 92, 94-қишлоқ оилавий поликлиникалари учун қўшимча бино қуриш, сил касалликлари бўлими учун янги бино ва иншоотлар қуриш, маҳаллий бюджет ва қўшимча манбалар ҳисобидан икки дона махсус техника (фекаловоз) ажратиш, доридармон ва вакциналар саклаш учун 150 дона совутигчилар, электрон поликлиника ташкил этиш учун 170 дона компьютер жамланган ва бўлимлар учун 185 дона кондиционерлар ажратиш ҳал қилинмаган. “Элбаён” маҳалласида 89-КОП филиали қурилиши 2018 йилдан буён тасмолланмаган. “Эзгулик” ва “Фармакўрғон” маҳаллаларида фаолият кўрсатаётган шохбча бинолари талабга жавоб бермайди.

Маҳаллалар («Жойилма» ва «Қораарик», «Қатта совур» ва «Лайлакхона», «Толли» ва «Гулистон», «Фармакўрғон», «Элбаён», Бобур ва «Бўстон») ҳудуди тузилмаларини қайта қуриб чиқиш ва аҳоли сони кўпайганлиги сабабли «Жойилма», «Олийҳиммат», «Оққўрғон» маҳаллаларини бўлиш масаласини ҳал қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Р.ҲУЖАКУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Шўрчи туманидаги Халқ қабулхонаси муdiri.



қум-шағал ва 30 дона шифер олиб берилди.

Бир сўз билан айтганда, МФЙда бешлик томонидан белгиланган топшириқ ва вазифалар сидқидилдан адо этиб келинаёпти. Жумладан, 300 метр тупрок йўлга 10 машина қум-шағал тўкилиб, йўл текисланди. Мустақиллик байрами арафасида кам таъминланган, боқувчисини йўқотган газ баллон тарасига эҳтиёжи бўлган 10та оилаларга тумангаз ташкилоти томонидан газ баллон берилди. 2022 йилда Ўзбекистон Республикаси бўйлаб ўтказилган “Яшил макон” тадбирида “Боботоғ” маҳалласида 1000 тупга яқин арча кўчати ва мевали дарахт кўчатлари экилд.

Мустақиллик байрами арафасида кам таъминланган, боқувчисини йўқотган газбаллонга эҳтиёжи бўлган 4та оилаларга маҳалла раиси ва тумангаз ташкилоти томонидан газбаллон берилди.

моддий ёрдам берилди. 3та кредит олишга талабгор хотин-қизлардан кредит олишга кўмаклашилди “Аёллар дафтари”га киритилган 5 нафар хотин-қизларга ҳомийлар томонидан пул маблағлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари берилди. Шунингдек, дафтарга киритилган Зулфизар Чоршанбиевага қизини даволатиш учун маҳалла раиси томонидан 1.000.000 сўм моддий ёрдам берилди.

“Ёшлар дафтари”га киритилган 2 нафар ёшларнинг контракт тўловларининг маълум қисми тўлаб берилди. 1 нафар ёшнинг даволаниши учун моддий ёрдам берилган бўлса, 2 нафар ёшга субсидия асосида тикув машина берилди.

Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун жамоатчилик билан иш олиб бориломоқда.

Жумладан, “Ёнғин хавфсизлиги”, “Антитеррор ва тозалаш” ва “Давомад” каби бир қатор тадбирлари давомида тушун-

савдо шохобчаларининг хавфсизлиги ва қўриқловини кучайтириб, ҳушёрлигини янада кучайтириш, тунги вақтда фаолият олиб бораётган ошхоналар, савдо дўконлари ва шу каби бошқа кўнгилочар масканларнинг фаолиятини тунги вақтларда чеклаш, тунда содир этилаётган ўғирлик ва бошқа жиноятларнинг олдини олиш мақсадида маҳаллада яшовчи фуқаролардан маҳаллада мавжуд барча кўчаларда тунги ўзини-ўзи қўриқлаш постлари ташкил этилди, ушбу қўриқлаш постларида турган шахсларни доимий назорат этиб борилганлигини, улар томонидан тунги вақтларда аниқланган қондабузарликлар ва шубҳали маълумотлар жамлаб борилди, ҳудудда ўтказилган “Ёнғин хавфсизлиги” ойлиги ҳам намунали ўтказилиб, бу бўйича фуқаролар билан тушунтириш ишлари олиб борилди, “Тун” тадбири маҳалламиз ҳудудида кенг кўламда олиб борилди,

ОИВ ВА ОИТС ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛАМИЗ?

Дунёда инсоннинг саломат-лигига салбий таъсир кўрсата-диган турли хил касалликлар бор. Аммо шундай дардлар борки, унинг номи касаллик келтирадиган зарардан огир-рок, азоблироқ. Бу дард билан чалинган инсонлар қайсидир маънода жамиятдан узилиб қолгандай, ўзларини ёлғиз қолгандай ҳис қилади. Одам-лар бу касаллик билан чалин-ган беморлардан ўзларини олиб қочади, раҳм-шафқат кўзлари билан боқади ва қай-сидир маънода улардан наф-ратланади. Бу қайси касаллик, деб ўйлаяпсизми? Бу ОИВ ва ОИТС.

Бу касалликларнинг юқиш йўли учта бўлиб, биринчиси жинсий алоқа-бу йўл билан за-рарланган жинсий суоқликлар

(ректал, генитал ва оғизнинг шиллиқ қават) натижасида юқади. Бу ҳолат жинсий алоқа пайтида ҳимоя воситаларидан фойдаланилмаганда, атипик жинсий алоқа бўлганда, ёки ишлатиладиган ашёлар орқа-ли содир бўлиши мумкин. Ик-кинчиси, онадан болага- ОИВ билан зарарланган аёли фар-зандига ОИВ вируси билан туғруқ давомида, ҳомиладор-ликда, кўкрак сути билан озиқ-лантириш пайтида юқтириши мумкин. Учинчиси, қон орқали-бу йўл орқали юқиш ривожлан-ган мамлакатларда қон қуйиш жараёнида кўпроқ содир бўла-ди бу ҳолатда томир ичига юбориладиган наркотик шприцларини ўзгартирмасдан ёки зарарланган шприцлар орқали юборилганда зарарла-

ниш кузатилади.

Шуни ёдда тутиш керакки, ушбу касаллик қўл бериб қўришганда, қучоқлашганда, кундалик ўпишлар, акса уриш, тери билан алоқа, сочиқларни бирга ишлатиш, рўзгор ва ош-хона буюмларидан, умумий фойдаланганда, ҳашаротлар чаққанда, бассейн, ҳаммом, ҳожатхонадан умумий фойда-ланилганда, кийим-кечак ва кўрпа-тўшакдан фойдаланган-да юкмайди.

**И.БЎРОНОВ,
Сурхондарё вилоят
ОИТСга қарши кураш
маркази шифокори
А.ҚОРАҚУЛОВ,
Шўрчи тумани ОИТСга
қарши кураш лаборатория
бўлими шифокори.**

Ҳар қандай давлатнинг тарихи – бу, биринчи навбатда, унда яшайдиган халқнинг тари-хи, аҳолисининг сони ва таркиби, унинг иқтисодий ва ижтимоий тавсифларида ўз ифода-сини топади. Аҳоли сони бўйича аниқ ва ахлит маълумотлар аҳолини рўйхатга олиш асо-сида олинади.

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТАРТИБИ, МОҲИАТИ ВА УНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Аҳолини рўйхатга олиш якунларига қараб ўтмиш ва ҳозирги давр ҳақида фикр ва мулоҳазалар юритиш ҳамда ке-лажакни прогноз қилиш мум-кин бўлади.

Қатор ҳолатларда аҳолини рўйхатга олиш-аҳолининг ёши, жинси, миллий таркиби, маъ-лумот даражаси, никоҳ ҳолати, бандлиги ва бошқа тавсифла-ри ҳақида маълумотлар олиш-нинг ягона манбаи бўлиб хиз-мат қилади.

Аҳолини рўйхатга олиш – бу мамлакат аҳолисининг муайян вақтдаги “фотосурати”ни олиш имконини берувчи умумдавлат илкёсидаги кенг қўламли тад-бир бўлиб, аҳоли тўғрисида-ги ишончли ахборот манбаи ҳисобланади.

Аҳолини рўйхатга олиш қачондан ўтказила бошланган?

Аҳолини дастлабки рўйхат-га олиш қадимги Греция, Ва-вилон, Месопотамия, Рим, Хи-той, Япония ва Мисрда ўтка-зилган. Лекин, бу аҳоли рўйхатларининг мақсади аҳолидан солиқ йиғиш, яъни бож олиш ҳамда ҳарбий мақ-сад учун аҳоли сонини аниқ-лаш бўлган. Шунинг учун ҳам, бу аҳоли рўйхатларида асосан

эркаклар рўйхатга олинган. Чунки, у пайтларда эркаклар-нинг иқтисодий ўрни юқори бўлган, солиқ тўлашда фақат эркаклар, яъни оила бошлиқ-лари қатнашган. Аҳолини энг биринчи рас-мий рўйхатга олиш 1790 йил-да АҚШда, кейинчалик 1800 йилда Швеция ва Финляндия-да, 1801 йилда – Англия, Да-ния, Норвегия ва Францияда ўтказилган. Аммо, бу аҳоли рўйхатлари жуда оддий шакл-да ҳамда узоқ муддатга чўзил-ган. Масалан, биринчи АҚШ-да аҳолини рўйхатга олиш иш-лари 18 ой давомида олиб бо-рилган.

XIX асрга келиб, аҳолини рўйхатга олиш жуда кенгайди. Қатор Европа мамлакатларида статистика ташкилотлари ту-зилди. Аҳолини рўйхатга олиш илимий дастурлар асосида олиб борилиши йўлга қўйилди. Ху-сусан, 1870-1879 йилларда ду-нёнинг 48та, 1890 йилларда эса 57та давлатида аҳоли рўйхати ўтказилган. XIX аср охирида дунё аҳолисининг 21 фоизи рўйхатга олинган бўлса, XX аср бошида 54 фоиз аҳоли рўйхатдан ўтказилган.

Иккинчи жаҳон урушидан

кейин, аҳолини рўйхатга олиш тизими янада такомиллашти-рилди. 1945-1954 йилларда-151та давлатда, 1965-1974 йил-ларда-179та давлатда аҳоли рўйхати ўтказилган. Ҳозирги пайтда, дунёдаги деярли бар-ча давлатларда аҳолини рўйхатга олиш ишлари олиб борилмоқда.

Республикаимизда демогра-фик жараёнларнинг ҳолатини ўрганишда мамлакат ҳудудида ўтказилган аҳоли рўйхати маъ-лумотлари муҳим аҳамият касб этади. Манбаларда келтирили-шича, Ўзбекистон ҳудудида да-стлабки аҳоли рўйхати 1897 йилда ўтказилган бўлиб, ушбу рўйхат маълумотлари XIX аср охирида Ўзбекистонда мавжуд оилалар сони, аҳоли сони, ёши ва жинси, этник таркиби, туғилиш, ўлим каби демогра-фик жараёнлар ҳақида тассав-вур ҳосил қилишга ёрдам бер-ган. Ўзбекистон ҳудудида ке-йинчалик 1926, 1939, 1959, 1970, 1979 ва 1989 йилларда аҳолини рўйхатга олиш ишла-ри ташкил этилган.

**М.САТТАРОВ,
туман Статистика
бўлими бошлиги.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ФАОЛИЯТ ЮРТАЁТГАН БАРЧА ҚОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

2022 йил якуни учун тақдим этиладиган 1-Нотижорат шакли (йиллик) нотижорат ташкилотнинг фаолияти тўғрисида ҳисоботини нотижорат ташкилотлар (жамоат бирлашмалари, ижтимоий фондлар, нодавлат муассасалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари (ХУЖМШ), Халқ таълими вазирлигининг умумтаълим муассасаларидан ташқари); Туман (шаҳар) Халқ таълими бўлимлари Халқ таълими вазирлигининг умумтаълим муассасалари йиғма ҳисоботини 2023 йилнинг 15-февралидан кечиктирмай;

1-KB шакли (йиллик) статистика ҳисоботи-ни қиёб қорхона ва микрофирмалар (чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иш-тироқидаги қорхоналардан ташқари) 2023 йилнинг 27-февралидан кечиктирмай;

1-FX шакли (йиллик) статистика ҳисоботи-ни фермер ҳўжаликлари 2023 йилнинг 27 февралидан кечиктирмай;

1-NNТ шакли (йиллик) ташкилий-ҳуқуқий шакли жамоат бирлашмаси, жамоат фонди, муассаса, уюшма (иттифоқ) бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлар, халқаро ва чет эл но-давлат нотижорат ташкилотларининг вақолат-хона ва филиаллари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари 2023 йилнинг 2 мартадан кечиктирмай статистика органлари-га электрон шаклда тақдим этишлари шарт. Юқорида қайд этилган йиллик ҳисобот-ларни мй.стат.уз сайтидан шахсий кабинет орқали Estat- 4.0 иловасидан электрон шакл-да ҳисобот тақдим этишлари мумкин.

Статистика ҳисоботларини ўз вақтида тақ-дим этмаган ёки нотўғри тақдим этган қор-хона ва ташкилот раҳбарлари ва масъул хо-димларига нисбатан Ўзбекистон Республика-сининг “Расмий статистика тўғрисида”ги қонунининг 40-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекс”нинг 215-моддасига асо-сан маъмурий жавобгарлик чоралари қўри-лиши тўғрисида огоҳлантирамиз.

**Сурхондарё вилоят статистика
бошкармаси маъмурияти.
Тел: 76-225-65-68**

Олтинсой тумани “Янгиариқ” маҳалласи-да яшовчи фуқаро Тошбоев Муҳиддин Эшма-матовичга Шўрчи 3-ТРИБ томонидан 2012 йил 29 сентябрда берилган АВ №947880 рақамли ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқолганлиги **маъ-лум қилмиз.**

«Шўрчи тумангаз» газтаъминоти бўлими.

Динимиз ҳамма соҳада мўътадил бўлишга чақиради. Дунёни деб охиратни, охират-ни деб дунёни ташлаб қўймас-ликка буюради. Шунинг учун мусулмон киши икки дунёни ҳам эътиборга олиб яшайди ва ҳалол касб изидан ўзига ҳамда аҳли-оиласига покиза ризқ из-лайди.

Ҳалоллик - шариятимизда энг асосий масалалардан бири ҳисобланади. Зеро, ҳар бир мусулмон бажарган солиҳ амал-ларининг қабул бўлиши, фар-зандларининг салоҳияти, оила-сининг фаровонлиги айнан луқ-маснининг ҳалол, касби-кори-нинг шарият кўрсатмаларига мувофиқ бўлишига боғлиқдир. Бу ҳақида Пайғамбаримиз (с.а.в) шундай дейдилар:

яъни: “ҳалол ризқ излаш - ҳар бир мусулмон учун вожиб-дир”, - дейилган (Имом Таба-роний ривоятлари).

Тириқчилик учун касб-кор қилиш ҳаёт заруратларидан бўлгани сабабли Аллоҳ таоло инсон ҳаёти учун керак бўла-диган барча сабабларни тай-ёрлаб қўйган. Қуръони карим-да шундай марҳамат қилинади:

яъни: “Аллоҳ осмонлар ва Ерни яратган ва осмондан сув (ёмғир, қор) ёғдириб, у сабаб-ли сизларга ризқ бўладиган меваларни чиқарган зотдир. У (ўз) амри билан денгизда су-

ТАҲРИРИЯТГА ХАТ КЕЛДИ

МИННАТДОРЧИЛИК МАКТУБИ



КУЗ-ҚИШ ИСИТИШ МАВСУМИ ДАВОМ ЭТМОҚДА, ГАЗ АСБОБЛАРИДАН ТЎҒРИ ФОЙДАЛАНИҒИ!

Хурматли фуқаролар! Ижтимоий тармоқлар-дан берилаётган маълумотларга кўра республи-камизда куз-қиш иситиш мавсумида кўп қаватли ва ҳовли уйларда кўплаб ис газидан заҳарланиш, газ-хаво аралашмасининг қақнаши натижасида инсонлар жабр қўриб ва ёнғинлар содир бўлмоқ-да. Куз-қиш иситиш мавсумини беталофат ўтка-зиш ва газ билан боғлиқ содир бўлиши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисалар олдини олиш учун газ-дан фойдаланиш, ёнгин ва техника хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилиш, газ асбобла-рига бефарқ бўлманг, уларни назоратсиз қолдир-манг, хонадонингиздаги газ асбобларини «ту-мангаз» бўлимининг чилангарлари томонидан техник кўриқдан ўтказиб туринг, кўп қаватли уй-ларда яшовчи фуқароларга хона ичига иситиш печлари ўрнатиш ва газпилталарини ёқиёб уй иси-тишлари мутлақо мумкин эмас, ушбу ҳолатлар ёнгин ва газ-хаво аралашмаси қақнашига сабаб бўлиб, бунинг оқибатида бахтсиз ҳодисалар ке-либ чиқади. Хонада газ ҳидини сезганда, электр асбобларини ўчириб-ёқманг, очиқ оловдан фой-даланманг, дарҳол эшик ва деразаларни очиб ташлаб, ташқарига чиқинг, зудликда 104 ёки 76-45-74-004 телефонлари орқали газтаъминоти бўлимининг газ ҳалокати олдини олиш бўлими-га кўнғироқ қилиб чақиринг. Носоз, қиёслов қўри-гидан ўтмаган, паспорти бўлмаган, бўёқланмаган маиший газбаллонлардан фойдаланиш мумкин эмас, бундай баллонлар суюлтирилган газ тўлди-ришга қабул қилинмайди. Маиший газбаллонла-ри беш йилда бир марта давлат қиёслов қўри-гидан ўтган бўлиши керак. Суюлтирилган газ тўлдирилган ва бўш маиший газбаллонларни ертўлаларда ва кўп қаватли умумий яшаш уйла-рида сақлаш ҳамда фойдаланиш мумкин эмас. Газбаллон билан газпилталарининг оралиқ ма-софаси 1 метрдан кам бўлмаслиги керак, газ-плита жойлашган ошхона ичида ттадан ортиқ газ-баллон сақлаш мумкин эмас. Газбаллонларни тўлдириш учун хонадонларда бир жойга тўплаш, тақиланарда қолиб кетган конденсатларни тўкиш тақиланади, сабаби биронта ташқи учкун нати-жасида портлаш ёки ёнгин содир бўлиб, атроф-даги қўшни хонадонларга қаттиқ зиён етказила-ди. Газбаллонларни «тумангаз» бўлиמידан ма-ҳаллаларга бириктирилган автомашиналар тўлди-ришга йиғиб олиб, газ тўлдирилгандан кейин қайта тарқатилади. Ҳар қандай газ асбобларни ётоқхоналарга ўрнатиш ва газпилталарини ёқиёб қўйиб уйни истиш мумкин эмас, чунки ёниб тур-ган газ алангаси (факили)дан ис гази (СО-узе-род оксиди) ажралиб чиқади ва заҳарли газ

Газдан фойдаланишда қуйидагилар тақикланади!

1. Газлаштириш идораси рухсатисиз тар-моққа улаб олиш;
2. Ўзбошонга газ асбобларини қўчириш ва таъмирлаш;
3. Ётоқхоналарга газ асбобини ўрнатиш;
4. Газ асбоблари устига қийимларни осиб қўйиш;
5. Газпилталарини ёқиёб уй иситиш;
6. Резина шланглар ёрдамида газ улаб ёқиш;
7. Газ тақсимлаш қурилмаларига тегиниш;
8. Ер ости ва ер усти газ қувурлари яқинига ва устига бинолар қуриш ва ҳоказолар;
9. Газ сургич мосламаларидан фойдаланиш;
10. Кўп қаватли уйларда, ертўлаларда газбал-лонларни сақлаш ва фойдаланиш;
11. Носоз, синовдан ўтмаган, паспорти бўлма-ган ва стандартга мос келмайдиган газ баллон-лардан фойдаланиш;
12. Газ баллондаги қолиб кетган қолдиқ кон-денсатларни тўкиб олиш;
13. Газ баллонларни суюлтирилган газ тўлди-риш учун бир жойга тўплаш.

ҲАЛОЛ КАСБ ФАЗИЛАТИ

зиб юриши учун кемаларни сизларга бўйсундирди. Яна дарёларни ҳам сизларга бўй сундирди (32). (У) доимо фао-лият кўрсатиб турувчи Қуёш ва Ойни ҳам сизларга бўйсундир-ди. Яна кеча ва кундузни сиз-ларга бўйсундирди (33)» (ИБ-роҳим сураси 32-33-оятлари).

Ислом дини ҳалол меҳнат қилиш, касб-кор қилишни улуғ-лади ва унга ажр-савоблар ваъда қилди. Қуръони карим-нинг бир неча ўрнида ҳалол касб қилиш ибодат билан бир-га зикр қилинган.

Ҳадиси шарифларда энг яхши касб инсон ўз қўли ва савдо йўли билан қиладиган касб экани айтилади. Ҳадиси шарифлар деҳқончилик, чорва-чилик, боғдорчилик, хунарман-дчилик, саноат ва уларни ха-ридорга етказиш, яъни савдо-ни ўз ичига олади. Рофеъ ибн Хадиж разияллоху анхудан ри-воят қилинади, Пайғамбари-миз (с.а.в)дан энг яхши касб қайси, деб сўрашди. У Зот алайҳиссалом:

яъни: “Энг яхши касб-киши ўз қўли билан касб қили-ши ва ҳар бир яхши савдо”, - деб жавоб бердилар (Имом Аҳмад ривоятлари).

Соғлом, меҳнатга лаёқатли кишининг ўзи ва аҳли аёли учун

касб-кор қилиб мол топиши- асо-сий фарзлардан кейинги фарз-дир. Лекин касбу кор ҳам фарз экан деб, асосий ибодатларни четга суриб қўйилмайди. Мусул-мон киши зиммасидаги оила аҳлини таъминотсиз қолдириб, касб-кор қилишни ташлаши ёки тиланчилик йўлига ўтиши мумкин эмас, балки ҳалол меҳ-нат қилиши керак. Кишининг касби одамларнинг кўзига ҳар қанча фақир кўринмасин, Аллоҳ таолонинг наздида мақбул ва сеvimлидир.

Кейинги пайтларда турли хил халқ эҳтиёжи маҳсулотла-рини ишлаб чиқарувчи фир-малар ичида маҳсулотига ма-шхурроқ фирманинг эмблема (савдо белги)сини қўйиб со-тиш кўпайиб қолди. Масалан, бир фирма янги кир ювиш қуқунини кашф қилди, дейлик. Бу ишга кўп маблағ ва вақт сар-флаган. Куқунга керакли мод-даларни меъёрида қўшган. Ўзига яраша мижоз ҳам орт-тирган. Шу пайтда бир қаллоб чиқиб, машхур фирманинг но-мидан қалбаки, арзон маҳсулот чиқара бошлайди. Кўпчилик бунинг фарқига бормаиди. Энг ёмони қалбаки маҳсулотлар таркибиде меъёردаги модда-лар бўлмагани учун улар соғ-лиқ учун ҳам зарарли бўлади.

Мана шундай пул топаётган-лар “менинг тоғганим ҳалол” дея олармикан?!

Кийим бозорига тушган содда кишилар даллоллар қўлига тушади. Натижада улар-нинг минг алдови билан кий-имларни бозор нархидан икки-уч баробар қимматга сотиб олишади. Оддий матони Миср пахтасидан бўлган, деб алдир, харидорни чув тушири-шади. Мусулмонларни алдаб топилган пулларни “ҳалол” деб бўлармикан? Муаммонинг ечи-ми-Аллоҳ таолонинг ҳаққига риюя қилингани каби, банда-ларнинг ҳақларига ҳам риюя қилиш керак. Баракасиз, кўп ҳаром молдан, кам бўлсада ҳалол-пок баракали мол яхши. Ҳаромдан садақа қилинган кўп маблағ қабул бўлмайди, ҳалол оз бўлса-да қабул бўлади.

Аллоҳ таоло барчамизнинг эътиқодимизни мустаҳкам қилиб, ҳалол касб билан пок ризқ талаб қилишни осон қил-син! Аллоҳ ва Расули ҳалол деганини ҳалол, ҳаром деганини ҳаром деб, амал қилишни на-сиб айласин!

**А.ҲАБИБУЛЛАЕВ,
Шўрчи туман бош
имом-хатиби.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев-нинг Олий мажлисга ва Ўзбекистон халқига қилган мурожаат-номасида кириб келган 2023 йилни «Инсонга эътибор ва си-фатли таълим» йили деб ном берилишида улкан бағрикенг-лик, меҳр-эътибор, саховат каби олийжаноб туйғулар мужас-сам эканлигини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Шўрчи тумани “Жойилма” маҳалла фуқаролар йиғинида ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бор ва кам таъмин-ланган оилаларга ғамхўрлик кўрсатиш мақсадида маҳалла раиси М.Саломовнинг ташаббуси билан, маҳалла профила-ктика инспектори З.Махмудов, маҳалла фуқаролар йиғинининг ёшлар етакчиси А.Бозоровлар ҳомийлигида 1 бош қорамол сўйилиб 45 нафар оилага тарқатилди.

Маҳалланинг “Қора-арик” массивида асосан 4х2 сотихлик хонадонлар жойлашган бўлиб, аксарият оилалар иқтисодий-ижтимоий ҳимояга муҳтож ва ёлғиз оналар яшайди. Маҳалла раиси туман ҳокимлиги раҳбарлари билан ҳамкорликда қишли-қировли кунларда шу массивдаги аҳолини ичимлик суви, кўчасозлик ишларини ва кўмир, ёқилғи маҳсулотлари билан таъминлашда ақиндан ёрдам кўрсатиб келаяпти.

Ўз навбатида биз жонқуяр маҳалла оқсоқоли М.Саломовга ва маҳалла маъмурияти жамоасига эзгу ва салмоқли ишлари-га ривожлар талаб, ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз. Бир гуруҳ маҳалла фуқаролари номидан:

**Қамбар АБИЕВА,
“Жойилма” маҳалласи.**

НИКОҲЛАНУВЧИ ШАХСЛАРНИ ОИВ ИНФЕКЦИЯСИ БЎЙИЧА ТИББИЙ КЎРИҚДАН ЎТКАЗИШ ЖАРАЁНИ ЭЛЕКТРОНЛАШТИРИЛАДИ

“Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касал-ликка қарши курашиш тизимини яна-да кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори (ПҚ–14-сон, 20.01.2023 й.) қабул қилинди.

Қарор билан Аҳоли орасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши ку-рашиш самарадорлигини оширишга доир 2023–2027 йилларга мўлжаллан-ган комплекс чора-тадбирлар дасту-ри тасдиқланди.

Дастурда, жумладан, қуйидагилар назарда тутилган:

аҳоли орасида ОИВ инфекциясини фаол аниқлаш мақсадида 15та ОИТС-га қарши кураш марказлари ва улар-нинг 63та туманлараро диагностика ла-бораторияларини сўнги авлодга мансуб диагностика тест-тизимлар (ИФА) билан узлуксиз таъминлаш; мигрантларни ОИВ инфекциясини ихтиёрий текшириш билан қамраб олишни кенгайтириш;

ОИВнинг онадан болага юқиши-нинг олдини олиш мақсадида ОИВ инфекцияли оналардан туғилган 6 ой-ликкача бўлган болаларни қуруқ сут

аралашмаси билан узлуксиз таъмин-лаш;

ОИВ инфекцияси билан яшовчи шахсларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш.

Қарорга кўра, никоҳланувчи шахс-ларни ОИВ инфекцияси бўйича маж-бурий тиббий кўриқдан ўтказиш жа-раёнини электрон тизим орқали амалга оширишни йўлга қўйиш мақ-садида:

2023 йил 1 июнча Тошкент шаҳ-ри ва Сирдарё вилоятида; 2023 йил якунигача бошқа ҳудудлар-да ФХДЁ органлари ва тегиишли тиб-биёт муассасалари ўртасида электрон ҳамкорлик ташкил қилинади.

2023 йил якунигача ОИВ инфекция-си аниқланган ҳолатлар мониторинги-ни таъминлаш, реал вақт режимида препаратлар ва диагностикаларнинг ҳаракатланишини кузатиб бориш им-конини берувчи электрон ахборот ти-зими яратилади.

**М.ТУРСУНОВА,
Шўрчи туман адлия бўлими
ФХДЁ бўлими
2-тоифали инспектори.**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни (ЎРҚ-815-сон, 20.01.2023 й.) қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни (ЎРҚ–815-сон, 20.01.2023 й.) қабул қилинди.

Шунга кўра, “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбир-корлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида”ги гонунининг 7-моддаси яъни Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишларига қуйидагилар қўшилди:

Текширишларни рўйхатга олиш китобининг ҳисобини электрон юритиш; давлат органлари ва ташкилотлар томонидан ўз ваколатлари доирасидаги соҳалар бўйича белгиланган тартибда тақдим этилган тадбиркорлик субъект-лари фаолиятининг қонунчилик талабларига мувофиқлиги рўйхати асосида шакллантириладиган мажбурий талабларнинг электрон реестрини юритиш мажбурий талаблар электрон реестрини юритиш.

**Ш.ИШБОЕВ,
Шўрчи тумани адлия бўлими
бошлиғи.**

ШОҲ ВА ШОИР

Беқайдмену хароби сийм эрмасмен, Ҳам мол йиғиштирур лаим эрмасмен.

Бобур, биринчи навбатда, шоҳ, бобурийлар сулоласининг асосчиси. Балки, бобурийлар жаҳон тарихида узок йиллар (332 йил) ҳукмронлик қилган сулола.

У подшоҳ сифатида лашкар тортиб шоҳларга хос мағлубиятларнинг аччиқ аламларию зафарларнинг улугвор нашидаларини суришни кўп маротаба ўз бошидан кечирди. Ота-си сингари улуг ғимматли ва олий мақсадли шахс бўлганлигидан Фарғона вилоятини кичик жой деб ҳисоблаб, Самарқандга интилди. У ерда Шайбонийхондан енгилиб, Кобулга келди ва кейин Ҳиндистондек бепоён йирик мамлакат ҳукмдориға айланди.

Буюк шоҳ Бобур Ҳиндистонда те-мурийларга хос улуг бунёдкорлик анъаналарини давом эттирди: муҳ-ташам қарслар тиклаш, ариқ-канал-лар қазиб, бог-роғлар қанотд этиш, адабиёт, илм-фан ривожига ҳомий-лик қилиш, элни адолат билан бош-қариш сингари фазилатлар кейин-чалик Ҳиндистоннинг буюк фарзанд-лари томонидан чинакам ижобий баҳоланди. Ҳиндистоннинг дониш-манд фарзанди, буюк давлат арбо-би Жавоҳирлаъ Неру ўзининг “Ҳин-дистоннинг очилиши” ва “Жаҳон та-

рихига бир назар” асарларида За-ҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида самимиятга тўлиқ ушбу фикрларни изҳор этган:

“Бобур-дилбар шахс. Уйғониш даври ҳукмдорининг ҳақиқий наму-насидир. У мард ва тadbиркор одам бўлган.

Бобур ўта маданиятли ва жозиба-ли инсонлар орасида энг етук инсон-лардан бири эди. У мазҳабпарастлик каби чекланишдан ва мутаассиблик-дан йироқ эди... Бобур санъат ва, ай-ниқса, адабиётни севарди”.

Таъбир жоиз бўлса, айтиш мум-кинки, “Вақоъ” (“Бобурнома”) Бобур саргузаштларининг воқеий тарихий лавҳаларидан иборат бўлса, унинг рубоийлари ана шу қомусий асарга ўзига хос иловадир. Зотан, “Бобур-нома” воқеалар баёни бўлса, рубо-ийлар ўша воқеалар иштирокчиси Бобурнинг ҳис-туйғулари галаёни ифодасидир.

Таржимаи ҳолнинг рубоий ёки ғазалга дахли бадийи матнга ҳуж-жатлилик бахш этади. Ҳужжатилик эса умумийликдан кўра таъсирчан-ликда устунилик қилади. Чунки китоб-хон умуман лирик қаҳрамондан кўра, Бобурнинг ўзини юракка яқинроқ олади.

Шуниси диққатга сазоворки, му-айян рубоийда, юзаки қараганда, таржимаи ҳолга доир ҳеч қандай бел-ги кўринмайди. Агар биз унга ада-биётшуноснинг ўткир кўзи билан боқиб, тадқиқ эта бошласак, у рубо-ийнинг кимга аталгани ва унинг ис-ботини ҳам манзур этишимиз мум-кин. Чунончи, Бобурнинг:

**Ашъорингим, шеър оти то бўлғай,
Таъб аҳли анга волау шайдо бўлғай.**

**Хар лафзи дуру бахри маони анда
Ким кўрди дуреки анда дарё бўлғай?!**

Рубоийсини ўқиганимизда гап ким ҳақида бораётганини аниқ бил-маймиз.

Ўйлаймиз: у қандай буюк шоир экан-ки, дунёда то шеър оти бор экан ис-теъдодли шоиру адиблар унинг шеър-ларига мафтун ва шайдо бўладилар?

Бобур-қаттиққўл адабиётшунос. У кимни бундай улуг мақтовлар билан сийламоқда?

“Бобурнома”даги қуйидаги сатр-ларни кўз олдимизга келтирамиз:

Алишербек назир йўқ киши эди. Туркий тил била то шеър ай-тубтурлар, ҳеч ким онча кўб ва ҳўб

айтқон эмас...”;

“Бу иккинчи навбат Самарқанд-ни олғанда, Алишербек тирик эди. Бир навбат манга китобати ҳам ке-либ эди. Мен ҳам бир китобат йибо-риб эдим, орқасида туркий байт айтиб, битиб йибориб эдим”.

Балки, Бобур ёзган мактуб vara-гининг “орқасида байт айтиб, битиб йибор”гани шу рубоийдир?

Исботи шуки, оламдаги бирор шоир “Мен гавҳарга денгизни жой-лаганман” демаган. Алишер Навоий эса ана шу гапни айтган:

Дур бўлур бахр ичра пинҳон наз-мидин шах мадҳида,

Бахр ёшурмиш Навоий ҳар дури макнун аро.

Бобур юқоридаги байтда даҳо устознинг ушбу байтига ишора қилиб, талмеҳ санъатининг риёзий намунасини кўллаган. Демак, рубо-ий Алишер Навоийга аталган бўли-ши мумкин экан...

Бобур-адабиёт назариётчиси

Бобур шоиргина эмас, йирик ада-биёт назариётчиси ҳамдир. Шеър-шуносликда аруз вази масаласи ҳамиша асосий ва долзарб бўлган. Нега шоҳ Бобур бу соҳага жуда қизи-қадди? Гап шундаки, шеърятда кўп вазн кўллаш ҳодисаси муайян маъ-

нода шу адабиёт нуфузи ва савия-сини белгилайди.

Ҳатто Хусайн Бойқаро девонида-ги ғазаллар бир вазнда ёзилганини махсус қайд этар экан, бу ҳолни Бо-бур ижобий ҳодиса деб қарамаган.

Бобургача Ўзбек тилида аруз ил-мига доир икки рисола ёзилган. Би-ринчиси-Шайх Аҳмад бин Худойдод Тарозийнинг “Фунун ул-балога”(1436/37) асари бўлиб, бундаги тўрт илм-нинг бири аруздир.

Иккинчиси-Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон” асаридир. Бу ри-солада 140 вазн ҳақида илмий маъ-лумот берилган.

Навоийнинг “Фунун ул-балога” аса-ридан хабари бўлмаган кўринади. Бобур Ўзбек тилидаги арузшунослик-нинг бу манзарасидан яхши хабар-дор бўлгани учун ундан қониқмаган ва бу соҳага ҳисса қўшишга шайланган.

“Бобурнома”ни кўчирган котиб Бобурнинг аруз рисоласи номини “Муфасссал” деб кўрсатади. Дарҳақи-қат, Бобур бу рисолати шундай ёзганки, унда асл, фуруъ ва зиҳоф-лар юзасидан ишлаб чиқилган 537 вазн микдориға аҳамият берилса, тадқиқотнинг бежиз “Муфасссал” деб аталмаганига амин бўлмайми. Ушбу маълумот келгусида Бобурнинг аруз

рисоласи номини турли нашрлар-да ва мактаб адабиёт дарсликлари-да “Муфасссал” тарзида эълон қили-нишини тақозо этади...

Бобур шухратда даҳо Алишер На-воийнинг ёнида турадиган мумтоз сўз санъаткори, шоир ва адибдир. Бадийи маҳорат бобида бирор Ўзбек шоҳ ва шоири Бобур билан беллаша олмади. Шеърят учун ҳос бўлган бир неча заруратлар: нукта-пардозлик (Янги фикрлар айта олиш маҳорати), жозибали бадийи санъ-атлардан меъёрида усталик билан фойдаланиш сеҳргарлиги ва эҳти-рос жўшиб турган рангин туйғулар талқини бобуроно самимий шеър-ият фазилатларидир. Бунинг устига унинг мумтоз шеърятга дадил ки-ритган таржимаиҳоллик хусусияти ҳам Бобур шеърятини алоҳида нур-латириб туради. Ана шу кейинги ҳу-сусият шоирнинг ватанпарварлик туйғуларига жон бағишлайди.

У.КОРАБОЕВ,
Республика маънавият-
маърифат маркази Шўрчи туман
бўлинмаси раҳбари,
Б.ЭЛМУРОДОВА,
31-умумий ўрта таълим
мактаби тарғиботчиси.

ID-КАРТА ЎЗИ НИМА?

РАҚАМЛИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ТЕХНОЛОГИК ПОЙДЕВОРИ

маси, очик калит, электрон ҳамён сифатида ҳам фойдаланилади.

Электрон тарзда мурожаат этишнинг афзаллиги шундаки, сиз миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига ке-либ, алмаштирилувчи биомет-рик паспортингизни тақдим эт-гунга қадар бўлган жараёнлар, яъни биометрик паспортдаги, ота-она тўғрисидаги ва унчага тўлдирилиши талаб қилинувчи маълумотларни онлайн тарзда жўната-сиз. Кейин Фуқаролик ва миграция ма-салалари бўйича бўлимга келиш вақти-ни ўзингизга қулай кунга белгилашин-гиз мумкин.

Ҳужжатлар расмийлаштириб бўлингач, базавий ҳисоблашнинг 89% микдорида тўлов ундирилади.

ID-карталар аввалига давлат хизмат-лари марказида қўлланилса, кейинча-

лик босқичма-босқич авиа ва темирйўл чипталарини олиш, барча давлат хизмат-ларидан фойдаланиш ҳамда фуқаролар-ни идентификация қилишда қўл келади.

Ушбу картанинг жорий этилиши аҳолига давлат хизматларини кўрсатиш ишини сезиларли даражада осонлаш-тиради ва оптималлаштиради. Шунинг-дек, хавфсизлик томони ҳам яхши иш-ланган: барча маълумотлар шифрланган бўлади.

Яна бир эътиборли жиҳати, ID-карта-ни олиш ёки алмаштириш юзасидан ўз вақтида мурожаат қилмаган, яроқсиз ҳолга келтирилган ёки йўқотиб қўйган тақдирда фуқаролар жаримага тортил-майди. Шунингдек, доимий яшаш ман-зилида руҳбатдан ўтиш ўзгарган тақдир-да картани алмаштириш ҳам талаб этил-майди.

О.ХУРРАМОВ,
Шўрчи туман ИИБ М ва ФРБ
паспортчиси.

Таълимда бир хилликдан воз кечиб, янгиликка интилиш, янги педагогик техно-
логияларни дарсга тadbик этиш, энг самаралисини танлаб, ҳаётга қўллаш меха-
низмини яратиш бугун устозлар олдида турган долзарб вазифадир.

ДИДАКТИК ЎЙИНЛАР

ТАЪЛИМДА БИР ХИЛЛИКДАН ВОЗ КЕЧАЙЛИК

Бугуннинг ўқувчиси дарс жараёнида фа-қат эшитувчи эмас, балки дарс моҳиятини англаб етувчи, мустақил фикрловчи кучга айланмоғи керак. Бу эса ўқитувчидан ўзи тан-лаган соҳасининг етук билимдони бўлиши-ни талаб қилади. Бунда унга таълим жараё-нида дидактик ўйинлардан, кўргазмали жи-ҳозлардан унумли ва мақсадли фойдаланиш ёрдам беради.

Оддийгина қўл доскасидан дарсида фой-даланиш орқали ўқитувчига ўқувчилар фа-оллигини оширишга эришиши мумкин. Ўқувчи янги ўзлаштираётган билимларини қай даражада эгаллаганлигини билмоқчими-сиз? Унга қўл доскасидан фойдаланиб, уни синаб кўринг.

Масалан: 3-синфда “1” ва “0” сонлари иш-тирокида кўпайтириш ва бўлиш”, “Сонни 10 ва 100 марта орттириш”, “Сонни 10 ва 100 марта камайтириш” мавзулари ўтилганда, ўқувчиларга қўл доскасида бажариш учун топшириқлар бериш мумкин.

Ўқитувчи мисолларни ўқийди, ўқувчилар фақат жавобларни қўл доскасида ёзиб кўрсатилади. Ушбу ўйин орқали қайси ўқувчи янги тушунчаларни ўзлаштира олма-гани тез аниқланади.

Ёки бўлмаса “Заковат” ўйинини олиб қарайлик. Бунда ўғил ва қиз болалар гуруҳ бўлиб, доира ҳосил қиладилар. Гуруҳларга навбат билан саволлар берилади. Улар ўйлаб кўриб, гуруҳ аъзолари билан фикр алмашиб, сўнгра саволга биттаси жавоб беради.

Бундай дидактик ўйинлар дарс самарадор-лигини ошириб, қолоқ ўқувчини илғорлар да-ражасига кўтарadi.

Бундан ташқари, ўқувчиларни аниқликка, жамоа бўлиб бир мақсад сари интилишга ундайди, таълимни тарбия билан қўшиб олиб боришга ёрдам беради.

М.ХУРРАМОВА,
33-умумий ўрта таълим
мактабининг олий тоғтали
бошланғич синф ўқитувчиси.

НАВОЙ ВА ТАРБИЯ

чексиз фахр-ифтихор тимсо-ли ҳисобланади.

Унинг ҳикматларга тўла дostonлари, рубоийлари ҳеч қачон аҳамиятини йўқот-майди. Асарлари ёш авлод-нинг камол топишида энг ав-вало, илм соҳиби бўлиши ва тинимсиз меҳнат қилиш орқали юксак мақсадларга эришиш мумкинлигини ай-тади.

У илм маърифат ҳақида ажойиб фикрларни олға сурди. Ақл, илм инсоннинг энг гўзал ва зарурий фази-латларидан бири, ҳар бир кишининг энг муҳим бурчи илм олишдир, деб ҳисобла-ди. Навоийнинг фикрича илм фанни эгаллаш учун ёшлик-дан бошлаб астойдил ўқиш-ўрганиш керак: “Ёшлигинг-да йиғил билимни, қаригач сарф қил, ани”,- деган шо-ирнинг ўзи ҳам жуда ёшли-гидан таълим олади, ўқишга берилади. Ёшлигиданоқ кўп шеърларни ёд билган. Жум-ладан, Фаридиддин Аттор-нинг “Мантик ут-ғай” (“Қуш нутқи”) асарини болалаик чоғлариданоқ қайта-қайта ўқиб ёд олган.

Алишер Навоий кейинча-лик мактаб ва маориф ма-салаларига катта аҳамият берди. У меҳнаткаш халқ болаларини ўқитиш ва тар-биялаш учун мактаблар очиш ва мадрасалар қуришга ғам-

хўрлик қилди. Алишер Наво-ий Астрободда сургунда юр-ганда подшоҳ хусайн Бой-қарога ёзган хатида ўғил ва қиз болалар учун мактаблар очишни талаб қилгани шах-сан ўзи мадрасалар қуриш-га тасаҳаббус кўрсатган Навоий фикрича мактаб халққа нур келтиради, унга тўғри йўл кўрсатади, бола-ларни билимли қилади. У ўзининг “Ихлосия” мадраса-си ёнида мактаб очиб, бо-лаларни ўқитиш ва тарбия-лаш учун зарур шароит яра-тиб, бунинг учун лозим бўлган маблаг ажратади. Навоий дарс берувчини куёшга ўхшатади ва бу куёш ўз атрофидаги юлдузларга нур сочади, яъни ҳали илм-дан беҳабар бўлган толиб-ларга илм нуруни сочади, маърифат беради.

Алишер Навоий таълим-тарбия тўғрисидаги фикрла-рини кўпроқ баркамол ин-сонни ифодаловчи ижобий образлар яратиш орқали баён қилади. Навоий ақл ку-чига ишонади, комил ишонч билан илм фаннинг фазила-ти жуда катта деб ҳисоблай-ди.

Буюк сўз санъаткори ва мутафаккир ўзининг бир қанча асарларида болалар тарбиясига оид фикрларини айтиши билангина қифояла-ниб қолмасдан, балки “Хай-



ID (идентификация) карта-шахснинг биографик маълумотлари, рақамли фо-тосурати, бармоқ излари (16 ёшга тўлган-нида) ва электрон рақамли имзо кали-ти сертификатини (16 ёшга тўлганда) сақловчи пластик карта кўринишидаги ҳужжатдир. Жаҳон тажрибасида бу картадан нафақат шахсни ва фуқароликни тасдиқловчи гувоҳнома, балки банк пластик картаси, ҳайдовчилик гувоҳно-

рат ул-аброр”, “Лайли ва Мажнун”, “Фарҳод ва Ши-рин” дostonларининг айрим бобларини шу масалага бағишлади.

“Хайрат ул-аброр” асари-нинг бир неча боблари одоб-ахлоқ ва таълим-тар-бия масаласига бағишлаган. Навоий бу дostonнинг ол-тинчи мақолотида одоб ва камтарлиқни улуглаб, таъ-лим-тарбияга доир қиммат-ли фикр, мулоҳазаларини баён қилиш билан бирга, ташаббус ва одобсиз киши-ларни қаттиқ қоралайди. Шоир дostonнинг бу мақо-лотида бола тарбияси, уни ўстириш, ўқитиш ва балоғат-га етказиш ҳамда бу борада ота-оналарнинг вазифалари ҳақида батафсил фикр юри-тади. Шоир ёшларни ота-онанинг хизматини бажа-ришга, уларни ҳурмат қилишга, уларга нисбатан ҳамиша меҳр-муҳаббатли бўлишга чақиради, ота-она-ни ой ва куёш деб таъриф-лайди.

Бошни фидо айла ато қошига,
Жисмни қил садқа ано бошига....

Тун кунингга айлагали нурпош,
Бирисин ой анга, бирисин куёш.

Ҳ.НОРКУЛОВ,
8-умумий ўрта таълим
мактаби директори.

ЁШЛАРНИНГ ВАТАН ВА ЖАМИЯТ ОЛДИДАГИ БУРЧЛАРИ»

Ватан сўзини дунёдаги энг муқаддас зот номи билан тил-га оламиз, уни Она Ватан, дея ардоқлаймиз. Ватанимиз Аллоҳ томонидан бизларга бе-рилган энг улуг неъматдир. Инсон дунёга келмасидан аввал онанинг вужудида улғайса, ду-нёга келганидан кейин эса энди Она Ватанда униб ўсади. Кишининг туғилганда киндик қони тўкилган ер унинг Вата-ни ҳисобланилади. Мана шу Ватанини асраб-ардоқлаш, ҳимоя қилиш ҳар бир инсон-нинг муқаддас бурчидир. Ахир доноларимиз бекорга айтиш-маганку:

Туғилган ердан кўнгил узил-мас,

Юрт кўриганнинг юрти бу-зилмас.

Ҳар бир эл, ҳар бир миллат учун ўзининг туғилиб ўсган Ва-танидан ардоқлироқ маскан бўлмаса керак. Расулуллоҳ (с.а.в.) Мадинаи мунавварага хижрат қилиб кетаётганларида Маккаи мукаррама томонга юзланиб: “Агар қавмим мени Маккадан чиқиб кетишга маж-бур қилмаганида, ҳечам ўз их-тиёрим билан уни ташлаб кет-маган бўлар эдим”,-деган экан-лар. Демак, Она Ватанини се-виш, ундаги бор нарсаларни ардоқлаш ва соғиниб яшашлик инсоният фитратида мавжуд бўлган нозик ҳис-туйғудир.

Мутафаккирлардан бири шундай деган экан: “Ватанпар-вар-ўз Ватани камолоти йўли-да ўз халқига муҳаббати ту-файли моли, куч-ғайрати ту-риб жонини ҳам аямайдиган, халқи ва ватанининг озолиги, фаровонлиги учун бор будини фидо қилувчи инсондир”. Бун-дан ташқари муқаддас дини-мизда Ватанни ҳимоялаш му-қаддас бурч қилиб белгилан-иб, бу хизмати учун жуда кат-та муқофотлар ваъда қилинган-дир.

Мўмин-мусулмонларга Ва-танни севиш Муҳаммад алай-ҳиссаломдан мерос ҳисобла-нади.

“Ватан” атамаси аслида арабча сўз бўлиб, она юрт маъ-носини англатади. Ибн Халдун “Ватан – бу инсоннинг туғилиб ўсган ери, унинг гўдаклик чо-тиданок меҳр кўйган ўчоғи-дир”, деб таъриф берган. Ва-танга бўлган муҳаббат ва садо-қат ҳар бир инсон фарзанди-нинг фитратида мавжуд. Ай-ниқса, бизнинг аجدдоларимиз Ватанга хизмат қилишни олий бурч деб билишади. Ҳар бир қарич ерини кўз гавҳаридек асрашади. Бу каби олий туйғу Аллоҳ таоло томонидан инсон-ларга берилган улуг неъмат-лардан биридир. Зеро Ватан туйғуси ва муҳаббати инсон қалбида бўлмаганида, бугун ер

Х.ХАСАНОВ,
Шўрчи туманидаги
«Имоми Аъзам Абу Ханфа»
жоме масжиди
имом-хатиби.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2023-йил 16-январдаги ПФ–11-сон Фармони қабул қилинди.

ОДИЛ СУДЛОВГА ЭРИШИШ БЎЙИЧА ПРЕЗИДЕНТ ХУЖЖАТЛАРИНИНГ МОҲИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ

Фармон билан 2023–2026-йилларга мўлжалланган суд тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишнинг қисқа муддатли стратегияси тасдиқланди.

Стратегия доирасида қуйидагилар одил судловни таъминлашнинг устувор вазифалари этиб белгиланди:

“Инсон қадри учун” гоёси асосида адолатли суд тизимини шакллантириш ҳамда унинг фаолиятини халқ манфаати ва инсон қадр-қимматини самарали ҳимоя қилишга йўналтириш; адолатли суд қарорлари қабул қилинишига эришиш орқали халқнинг, тадбиркорларнинг суд тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш;

фуқаролар ҳамда тадбиркорларга ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини судларда ҳимоя қила олиши учун барча имкониятларни яратиш;

судлар фаолиятини тўлиқ ракамлаштириш, сунъий интеллект технологияларини жорий этиш;

судьяларнинг мустақиллиги ва дахлсизлиги кафолатларини кучайтириш;

суд қарорларининг қатъий ижросини таъминлаш, бу бо-

рада давлат органлари ва маҳаллий ҳокимликларнинг масъулиятини ошириш;

судьялар ва суд ходимларида юксак муомала маданиятини шакллантириш орқали судга мурожаат қилган ҳар бир фуқаро ва тадбиркорда суддан, пировардида эса давлатдан розилик ҳиссини уйғотиш.

Қуйидаги тартибларни жорий этиш режалаштирилмоқда: туманлараро, туман, шаҳар судлари томонидан биринчи инстанцияда қўрилган ишларни вилоят ва унга тенглаштирилган судларда апелляция ёки кассация тартибида қайта қўриб чиқиш;

вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан апелляция ёки кассация тартибида қўрилган ишларни мазкур судларда тафтиш тартибида қайта қўриб чиқиш;

вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан тафтиш тартибида қўрилган ишларни Олий суднинг судлов ҳайъатларида тафтиш тартибида қайта қўриб чиқиш;

юқори инстанция судлари томонидан ишни янгидан қўриш учун қуйи судларга юбориш тартибини бекор қилиш

ва уларга иш бўйича якуний қарор қабул қилиш масъулиятини юклаш.

Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш мақсадида уларнинг ишига ҳар қандай аралашув қатъий жазоланади, судьяларнинг хавотирсиз ишлаши учун давлат томонидан барча шароитлар яратилади.

Суднинг мустақиллиги ва судьялар дахлсизлигини таъминлашни кучайтириш бўйича қуйидаги чоралар белгиланди: судга ҳурматсизлик учун маъмурий жавобгарликни кучайтириш ва жиноий жавобгарлик белгилаш;

суд ишларига аралашганлик ва суд ҳужжатини ижро этмаганлик учун жавобгарликни кучайтириш;

одил судловга аралашганликка оид ҳар бир жиноят бўйича жамоатчиликни мажбурий хабардор қилиш;

судьяга нисбатан тезкор-қидирув тадбирларининг ўтказилишига фақат Бош прокурорнинг санксияси асосида йўл қўйилишини белгилаш;

процессуал характерга эга бўлмаган, ҳуқуқий тушунтириш бериш бўйича мурожаатларни

адлия органлари томонидан қўриб чиқиш амалиётини йўлга қўйиш.

Одил судловни амалга оширишга кўмаклашиш бўйича ихтисослашган прокурорлар корпуси шакллантирилди ва унга қуйидагилар кирadi:

Бош прокуратуранинг жиноий, фуқаролик, иқтисодий, маъмурий суд ишларини юритишда прокурор қаволатини таъминлаш бошқармалари;

худудий прокуратураларнинг жиноий, фуқаролик, иқтисодий, маъмурий суд ишларини юритишда прокурор ваколатини таъминлаш бўйича тегишли бўлим ва тармоқлари; туман (шаҳар) прокурорларининг мазкур йўналишлар бўйича тегишли ўринбосари ва ёрдамчилари.

Ихтисослашган прокурорлар корпуси ходимлари ўз ваколатларини ҳар қандай орган ва мансабдор шахсдан мустақил равишда, фақат қонунга бўйсуниб амалга оширади улар фаолиятига аралашишга йўл қўйилмайди.

Р.БЕКНАЗАРОВ,
Шўрчи тумани адлия бўлими бош маслаҳатчиси.

Жўра Тошкентдай азму шаҳарга бориб ишлай,-деб кетганига уйидагилар хурсанд бўлганди. Тошкентга ҳам бориб бирон ишни тузукроқ ҳам уйдаламади. Иш қиламан деб, ўғирликка қўл урди. Унинг суди Тошкентда бўлиб ўтди. У томонини ҳисобида турмаганлиги сабабли ахлоқ тузатиш жазо ишини ўз манзилига қаратди. Туман ички ишларни пробация гуруҳи зиммасига, уни назорат қилиш юклатилди. Шу орган қистови билан у қурилиш ишига жалб қилинди.

Қўшни туманга бориб, кўп қаватли уй қурилиш ишига ишга жойлашди. У ишлаб юриб, бир куни лифтни ҳаракатга келтирадиган жойга бориб қараса деворда беҳисоб кабеллар борлигини кўриб қолди. Яна эски одатини кумсаб, уйқуси қочди. Тун. Борлиқ уйқуда. Соат миллири бирдан ошган. Фақат Жўрани уйқуси тарк этган. Кундузи қўриб келган кабелларни ўмариш учун, шу томон жўнади. Ўзига керак-ли қуролини сумкага солиб ҳалиги жойга етиб борди.

Қўлидаги болта, пичоқни ишга солиб, бир пастда ниятига етди. Қирқиб тахлаган кабелни кечанинг бир вақтида, чеккага ҳеч ким кўрмайдиган жойга бекитиб, ортга қайтди.

Эртаси бир баҳона қилди-ю, ўлжасини олиб, уйига келди. Уни ажратиб, мис симни алоҳида буклаб халтага солиб қўйди. Ҳеч нарса бўлмагандек яна бориб ишини давом эттирaverди.

Биринчи ўлжасини металл олувчига килоси олтмиш минг сўмдан жами эллик тўрт кило мис симни сотди. Мўмайгина пулли бўлиб қолди. Орадан яна беш кун ўтгач, қолган кабелларни ҳам худди биринчисидек ўмариб, эллик саккиз килограммини эски танишига тўрт миллионга пуллади. Шундай қилиб ўн икки қаватли бинодаги кабеллар ғойиб бўлди.

Бу иш билан ички ишлар ходимлари зимдан шуғулланишди. Мисни иси қикди. Улар Жўра яшайдиган уйгача келишди. Ҳалиги кабелларнинг сими олингач, қобигини ташлаб юборишга ҳам улгуришмаган экан. Онаси рўй-рост кабел олиб келганини айтиб берди.

Бир юзу ўттиз етти метр, ҳар метри уч юзу йигирма беш минг турадиган мисли кабелнинг, терисини шилиб, мағзини мўмайгина пуллаган Жўранинг сирси фош бўлди.

Тергов, сўраб-суриштиришдан қурилиш бошлиғидан тортиб, мис симни сотиб олувчи-ю, ўғрининг уйидагилар

ҳам четда қолмади. Мис сотувчи Жўра Бўриев миси чикди. Суд Жўра Бўриевга илгаритдан



ҳам ўтолмай қолган жазосини, янги жазосига қўшиб берди.

“Қилмиш-қидирмиш” деб шунга айтсалар керакда.

К.НАЗАРОВ,
Жиноят ишлари бўйича Олтинсой туман суди раиси,
А.ТЎРАЕВ,
туман прокурори ўринбосари.

УЯТ - Е !...

Ёмон қилигидан уялмаганга уят ҳайф экан. Ойшадай қизларни уятга бўлмаса, қилмишидан уялмаса. У илгари ҳам ўғирлик қилиб, бир марта суднинг оstonасини ҳатлаган эди. Яхшигина жазо ҳам олганди. Жазосини ўтаб бўлиб ҳам тинч юрмади. “Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас” деганларидек, у яна эски қилигини қумсаб қолди.

У Шўрчи бозорини кезди, айланди, охири тилло тақинчоқлар сотиладиган жойга бориб қолди. Қараса кўзни қамаштирадиган турли хил ялтироқ тилло тақинчоқлар гиж, гиж. У кўзига “олов” бўлиб кўринган тилла сиргани қўриб, махлӣ бўлди-да, нархини сўрай деса, эгаси бошқа харидор билан тилла сирганинг нархини келишавғатганини кўргач, ҳалиги ўзининг қўлида қўриб турган сиргани олди-ю, жуфтагини ростлаб қолди. Эгаси балким у томон, бу томон “дод”лаганча ўғрини қарғаб қолавергандирда. Ойша ўлжасини сумкасига солди-ю, бозордан чиқиб, ғойиб бўлди.

Орадан роппа-роса бир ҳафта ўтгач, у яна бозорларда. Тўппа-тўғри яна тиллолар томон юра бошлади. Энди у бу томондан томошани давом эттирди. Қараса бир аёлнинг савдо столи ёнида харидорлари суроаб. Ўша томон секин юриб борди-да, бир жуфт тилло сиргани қўлига олиб, у томон, бу томонларини қўриб, гўёки уни оладигандай қилиб

ўзини кўрсатиб, ойнага ҳам солиб кўрди. Шу чок бир опа келинига олмоқчи бўлган сирғасини тақдириб, нархини суриштириб турганидан фойдаланиб, суриб қолди.

Харидорлар сийраклашиб кетгач, билдики бир жуфт “мадонна” сирғаси йўқлигини. Ёнидагиларга қараб туринглар, - дея сотувчи чопиб кетди. Ҳа, ҳа, дея илгари ҳафтадаги “чув” тушган тиллачи опа ҳам воқеани билгач, бирга қидирди.

Улар бозордан ташқарига чиқса, ўтган ҳафта кўрган аёлни қўриб қолди. Эслаб қолган экан. Иккаласи ҳам бориб ўша аёлни қўлидан ушлаб, тўхтаб тур дея ички ишларга олиб боришди. Сумкасидаги бугунги ўғирланган мадонна эгасига қайтарилди. Илгариси ҳам уйдалиги маълум бўлиб, ички ишлар ходими билан бирга боришиб, олиб келинди.

Бироқ ўғирлик – ўғирликда. Ҳужжатлар қилинди. Судга ўтказилди. Шоҳида Тўраеванинг ҳам, Моҳира Шойимованинг ҳам тилло буюмлари қайтарилди. Эндигина 24 ёшни тўлдирган Ойша Турдалиева яқини бор суднинг қора курсисига ўтириб, тегишли жазосини олди.

Қизми, аёлми ўғирлик қилиш, жиноятга қўл уриш уят-да !

М.ҲАКИМОВ,
Жиноят ишлари бўйича Шўрчи туман суди раиси.

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 16 декабрдаги ЎРҚ-810-сонли “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги Қонуни билан “Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси”га қўшимчалар киритилди.

РЕАБИЛИТАЦИЯ МАРКАЗИГА ЖОЙЛАШТИРИШДАГИ ЎЗГАРИШ

Унга кўра,Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахснинг реабилитация марказига жойлаштирилишини талаб қилувчи асослар аниқланган тақдирда, ички ишлар органи бундай шахс ички ишлар органига келтирилган пайтдан эътиборан 48 соат ичида уни реабилитация марказига ўттиз суткадан кўп бўлмаган муддатга жойлаштириш тўғрисида судга илтимоснома юбориш учун материалларни тайёрлаши шарт.

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсини реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома ва уни реабилитация марказига жойлаштириш зарурлигини тасдиқловчи материаллар муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахс аниқланган ердаги ёки реабилитация маркази жойлашган ердаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судига ички ишлар органи томонидан берилади.

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсини реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома тақ-

дим этилган пайтдан эътиборан 24 соат ичида судья томонидан ёпиқ суд мажлисида яқка тартибда қўриб чиқилади.

Ўзига нисбатан реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома қўриб чиқилаётган шахс ва ички ишлар органининг вакили суд мажлисида иштирок этиши шарт. Суд мажлисида адвокат иштирок этиши мумкин.

Илтимосномани қўриб чиқиш ички ишлар органи вакилининг муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсини реабилитация марказига жойлаштириш зарурлиги ва жойлаштириш муддати асослаб бериладиган маърузаси билан бошланади. Сўнгра ўзига нисбатан илтимоснома қўриб чиқилаётган шахс, агар суд мажлисида иштирок этаётган бўлса, адвокат, судга келган бошқа шахслар эшитилади, тақдим этилган материаллар текширилади.

О.НОРМАҲМАТОВ,
вилоят Жиноят ишлари бўйича суди раиси ўринбосари.

Мустақиллик йилларида жамият ва давлат ҳаётининг барча жабҳаларида улкан ўзгаришлар юз берганига, катта ютуқларга эришилганлиги ғувоҳимиз. Бу албатта, мустақиллигимиз ва эркинлигимизнинг, юртимизда ҳукм сураётган барқарор тинчлигимизнинг, ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсатнинг амалий натижасидир. Шу боис халқимиз шу энг бебаҳо неъмат-тинчликнинг қадрига етиши, бугунги осиёишта ҳаётимиз учун шукроналар қилишимиз керак.

Бугун терроризм, “айирмачилик” ва экстремизмга қарши курашиш, жаҳон мамлакатларини бирлашишга, тинчлик йўлидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга чақирмоқда.

Ҳозирги даврда мафкуравий тазйиқларнинг хавфли кўриниш олиб, ҳар қандай халқ орасида, энг аввало, ўша миллатнинг уни-ёсиб келаётган ёшлари онгини заҳарлаётганига ғувоҳ бўлмоқдамиз. Сир эмас, бугун интернет керакли ахборотни излаш, олиш ва маълумот алмашувни борасида энг қулай, тезкор ва самарали восита ҳисобланади. Лекин ҳамма ҳам бу имкониятдан эзгулик йўлида фойдаланаяпти деб бўлмайди.

Бунинг натижасида қўллаб ёшлар ана шундай ахборот хуружларининг таъсирига тушиб қолмоқда. Маълумки, айни вақтда муқаддас Ислom динини никоҳ қилиб олган террористик ташкилотлар бир неча давлатларда “жиход” гоёси остида бузғунчилик ва кўпурувчилик ҳаракатларини амалга оширмоқдалар. Бундай диний экстремистик гуруҳлар ўзлари ҳукмронликни қўлга киритган ҳудудларда тадбиркорларга катта миқдорда солиқ солиш, бос-

қинчилик, одамларни гаровда ушлаш ва уларни қўл сифатида сотиш, гиёҳвандлик олди-сотдисидан иборат бўлган мудҳиш жиноятларни содир этаётганликларини бутун дунё қўриб-билиб турибди. Экстремистик гуруҳлар бугун жаҳон электрон ахборот тармоғи интернет орқали ўзининг бузғунчи гоёларига асосланган ва бир олам ёлғон ваъдаларни бериб, ҳар дақиқада янги ном билан ташкил этилаётган юзлаб веб-сайтлар ёрдамида ёшлар онгини заҳарлаб, уларни ўз домига усталик билан тортмоқда. Бундай гуруҳларнинг “қармоғи”га илинганлар адашганини билгач, ортларига қайтишни истаётган бўлсалар-да, уларнинг бунга асло имконлари йўқ. Чунки бундай ҳаракатлар гоҳида аянчи ўлим билан якун топмоқда.

Бугун фан, спорт, санъат, ишлаб чиқариш, ижод эркинлиги ва техника ютуқларидан унумли фойдаланиб ўзи тугилиб-ўсган қишлоғининг, туман-шаҳар ва вилоятининг қолаверса, Ватанимизнинг доврүгини бутун дунёга таратаётган йилгит-қизларимиз кўпчиликини ташкил қилмоқда.

Юртда тинчлик, оиласида фаровонлик бўлишини истаган ҳар бир фуқаро доимо эътиборли бўлиши, огоҳлик ва хушёрликни ўнутмаслиги, қонунбузилишига қарши курашишда эса муросасизлик ва журъатлилик унинг кундалик одатига айланиши лозим. Ёшларимизни, давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, оқни қорадан, яхшини ёмондан фарқлай оладиган қилиб тарбиялашимиз керак.

Р.ВАҲОБОВ,
“Абу Бакр Сиддик” жоме масжиди имом-хатиби.

ЭНЕРГЕТИК ИЧИМЛИКЛАР РЕКЛАМАСИ

Маълумки, ҳар қандай маҳсулот сотилиши,харидоргир бўлишида рекламанинг аҳамияти муҳим ўрин тутadi. Бугунги кунда ОАВ ва ижтимоий тармоқларда турли маҳсулотлар рекламасига ҳар қадамда дуч келамиз. Аммо, бу борада катта-ю, кичик истеъмoилчиларнинг соғлигига жиддий хавф туғдириши мумкин бўлган энергетик ичимликлар рекламаси борасида қонунчилигимизда қандай нормалар борлигини билимизми? Ўзбекистон Республикаси Реклама тўғрисидаги қонунга кўра қуйидагилар тақиқланади:

- соат 7.00дан соат 22.00га қадар энергетик ичимликларни телевидение ва радио орқали реклама қилиш;
- ташқи реклама ва ахборот объектлари (конструкциялари) орқали энергетик ичимликларни реклама қилиш;
- энергетик ичимликлар намуналарини вояга етмаганлар ўртасида реклама қилиш мақсадида бепул тарқатиш;
- вояга етмаганларга энергетик ичимликларни реклама қилиш;

- асосан вояга етмаганлар учун мўлжалланган тадбирларга ҳомийлик қилиш, агар бунда энергетик ичимликларнинг номидан, товар белгисидан (хизмат кўрсатиш белгисидан) ёки тасвиридан фойдаланилган товарларни (футболкалар, бош кийимлар, ўйинларни ва бошқаларни) тарқатиш, шу жумладан, сотиш;

-асосан болалар ва ўсмирлар учун мўлжалланган босма нашрларда, шунингдек, тиббиёт, спорт ва таълим муассасаларида ҳамда ташкилотларида энергетик ичимликларни реклама қилиш;

-энергетик ичимликлардан фойдаланилган ҳолда рағбатлантирувчи акциялар ўтказиш.

О.БАДАЛОВА,
Шўрчи туман адлия бўлими юридик хизмат кўрсатиш маркази бош юрисконсульти.

Ҳукумат қарори (44-сон, 31.01.2023 й.) билан Умумий ўрта таълим тўғрисидаги электрон шаходатномаларни бериш тартиби ҳақидаги низом тасдиқланди

Низомга кўра, битирувчиларга қуйидаги турдаги шаходатномалар берилadi:

таянч ўрта таълим тўғрисида шаходатнома (9-синф);

таянч ўрта таълим тўғрисидаги аъло даражали шаходатнома (9-синф);

умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома (11-синф);

умумий ўрта таълим тўғрисида (кумуш медаль билан) шаходатнома (11-синф);

умумий ўрта таълим тўғрисидаги аъло даражали (олтин медаль билан) шаходатнома (11-синф);

психик ривожланишида нуқсонли бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактабни (мактаб-интернат) тамомлаганлик тўғрисидаги сертификат.

Шаҳодатнома ўзбек ва инглиз тилларида шакллантирилади.

Буюртма бериш ва шаходатномани

шакллантириш “Электрон шаходатнома” ахборот тизими орқали амалга оширилади.

Бунда ҳар йили 1 декабргача битирувчи ҳақида тегишли маълумотлар платформага киритилиб, буюртма шакллантирилади.

Шаҳодатномалар битирувчиларга ҳар йили 20 июнга қадар берилadi.

Битирувчилар шаходатномани электрон платформадан шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотларни киритиш орқали бепул юклаб олади.

Қарорга кўра, 2022/2023 ўқув йили якунидан “Электрон шаходатнома” ахборот тизимига битирувчилар ҳақидаги маълумотлар киритиб борилади.

К.ТАЛИЕВ,
Шўрчи туман адлия бўлими юридик хизмат кўрсатиш маркази бошлиғи.

МАКТАБДА ИШЛОВЧИЛАРНИНГ МОДДИЙ ЁРДАМ ОЛИШ ТАРТИБИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019-йил 30-сентябрдаги 823-сонли қарорига асосан: Умумтаълим муассасалари ходимларига моддий ёрдам календарь йил давомида икки лавозим маоши (ўқитувчининг таъриф ставкаси) модкорига ҳодимнинг ўзи ва яқин қариндоши (отаси, онаси, турмуш ўртоғи, фарзанди) вафот этганда, огир касалликка чалинганда, ходим табиий офатдан зарар кўрганда кўрсатилади.

Педагог, психолог ва кутубхона ходимларининг баъзавий таъриф ставкасига ҳар ойлик устама белгилан, умумтаълим муассасалари ходимларини мукофотлаш ва уларга моддий ёрдам бериш умумтаълим муассасаларида ташкил этиладиган устамалар белгилан, моддий рағбатлантириш ва моддий ёрдам бериш бўйича ишчи гуруҳлар томонидан амалга оширилади.

Т.АКИБОВ,
Шўрчи туман адлия бўлими юридик хизмат кўрсатиш маркази бош юрисконсульти.

Болани кичик ёшданоқ равон тилда гапиришга, ўз нутқида гўзал сўзлардан фойдаланиб, фикрни эркин баён қилишга ўргатиб бориш муҳим. Бошланғич синфларда ўқувчилар барча дарслар давомида назарий ва амалий билимларни олиш билан бирга жумлаларни тўғри тузиш, ўзаро муомала қоидалари, фикрни баён этиш, қайта ижодий ҳикоялаш, шеър ёдлаш орқали оғзаки нутқ кўникмалари ҳам ривожлантириб борилади.

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ

БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ОҒЗАКИ ВА ЁЗМА НУТҚНИ ЎСТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Нутқни тафаккурдан ажратиб бўлмайди, нутқ тафаккур асосида ривожланади. Она тили дарслари болалар луғатини бойитишга самарали ёрдам беради, нутқни тузишга ўргатади.

Ўқиш дарси ва у билан боғлиқ ҳолда олиб бориладиган экскурсия ўқувчиларга табиат ҳодисалари, кишилар ҳаёти ва меҳнати ҳақида билим беради. Бу дарсда ўқувчи нутқига, уни шакллантириш ва ўстиришга кенг имконият яратади. Бошланғич синфдаги бошқа дарсларда ҳам ўқувчилар нутқи хилма-хил сўзлар билан бойитилади. Математика дарсларида болалар янги тасаввур ва тушунчалар, жуда кўп сўз ва терминлар билан ўз нутқларини бойитадилар, мантиқий фикрлайдилар.

Ўқувчилар табиатшунослик дарсларида ва экскурсия вақтида кўрган предметларини ўқитувчи ёрдамида гуруҳлайдилар, таққослаб ўхшаш ва фарқли томонларини топиб айтадилар. Булар, ўз навбатида табиатга оид айрим тушунчаларни аниқ билиб олишга имкон беради, тафаккурни, нутқни ўстиради.

Меҳнат, тасвирий санъат,

жисмоний тарбия, мусика дарсларида ҳам дарслардан ташқари машғулотлар ҳам ўқувчи нутқи ва тафаккурини ўстиришга имкон беради. Аввало, ўқитувчининг ўзи адабий тил нормаларига риоя қилган ҳолда ифодали, таъсирли сўзлаши зарур.

Ўқитувчининг ўзи бола учун намуна бўлмоғи зарур. Чунки, болаларда тақлид хусусияти ўта кучлидир. Бошланғич синфларда ўқувчиларнинг оғзаки нутқини ўстириш режали ташкил этилса, бу соҳадаги тадбирлар мунтазам равишда амалга ошириб борилсагина у ўқувчининг бутун вужудига, унинг ҳиссиётига, тасаввурига, ирода ва характери, ниҳоят фикрлаш фаолияти ва қобилиятига таъсир этиб, нутқнинг равон, ифодали бўлишида муҳим аҳамият касб этади.

Ўқувчилар етарли сўз бойлигига эга бўлмасдан туриб, аниқ ва равон фикр юрита олмайдилар. Ўргатишлар ҳар бир янги сўз ўқувчиларнинг сўз захирасини оширади, фикр, ифодалаш имкониятларини кенгайтиради. Шунинг учун ҳам ўқувчилар билан сўз ва унинг маъноларини эгаллаш усти-

да узлуксиз иш олиб бориш лозим.

Бунда ёзма нутқ соҳасидаги кўникмаларни оғзаки нутқни ўстириш асосида ҳосил қилиш кўзда тутилади. Болалар оғзаки машқларни бажараётганида ўқитувчи баён (иншо)нинг мазмуни, кўриниши юзасидан кўрсатмалар беради, йўл кўйилган камчиликларни бартараф қилишга ёрдам беради. Замонавий мактабда ўқитувчининг жонли нутқига техник воситалар ёрдамга келади. Улар нутқ ифодалигини оширади, ҳиссий таъсирини кучайтиради.

Ўқитувчи нутқи бу ҳолда гўё бирлаштирувчи бўлиб қолади: у кино, мусика, фотошлангма билан бирга идрок этилади. Ўқитувчи сўзи алоҳида тасвирий-ифодавий сифатларни ҳам акс эттиради. Токи оғзаки нутқ уни идрок этиш жараёнида зудлик билан тушунишни талаб қилар экан, ўзига хос лексик-грамматик хусусият ҳам касб этади.

**О.АЛЛАЯРОВ,
Қ.ХОЛМУРОВОВА,
64-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчилари.**

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ



Тумандаги 3-сонли Давлат мактабгача таълим ташкилотида ҳозирги кунда 150 нафар тарбияланувчи болажонларга 13 нафар мутахассис педагог ходимлар «Илк қадам» ва «Билим йўли» Давлат дастури асосида сифатли ва самарали таълим бериб келмоқда.

Мазкур таълим масканининг гуруҳ хоналари зарурий таълим-тарбия, амалий ва услубий ўқув жиҳозлари билан таъминланган. Масканнинг тарбиячи педагогларидан Шоира Жўраева, Манзура Жумаева, Адолат Усамова, Сайёра Мелиева, Жамила Абдиева, Гуласал Менгбоева, Сайёра Мўминова,

инглиз тили мураббийси Гулжаҳон Соатоваларнинг меҳнат ташаббуси, ўз фаолиятига сиқидилдан ёндашуви туман миқёсида бўлиб ўтган ўқув ва амалий семинарларда кўп бора эътироф этилган.

«Мактабгача таълим ташкилотимизга фарзандини жойлаштириш учун навбатда турган ота-оналар кўпчиликини ташкил этади. Бундан кўриниб турибдики, болажонларимизни таълим масканимизда бекам куёт таълим-тарбия шарт-шароитлари яхши йўлга қўйилганлигидан деб ўйлайман, - дейди 3-сонли Давлат мактабгача таълим ташкилоти

раҳбари Зулфия Мирзатова. - Мактабгача таълим-тарбия келинган босқич таълимда фарзандларимизни камол топтиришда мустаҳкам пойдевор ва-зифасини ўтайди. Бугун деярли кўпчилик ота-оналар фарзандларини комил инсон бўлиб вояга етишлари учун ўзларида масъулият, эътибор ва ғамхўрлик ҳисси ила ёндашаётганликлари ўз навбатида, биз соҳа ходимларидан ҳам катта масъулият, меҳнат, ижодизликлари талаб қилади.

Мазкур таълим масканида бўлганимизда ҳовли ва ўйин майдонлари озода, обод, сариштали эканлиги кўзни

кувонтиради. Ётоқ ва машғулот хоналари талаб даражасида жиҳозланган. Гуруҳларда тарбияланаётган қувноқ болажонларнинг зукколиги, сўздонлиги, ҳозиржавоблигидан дил яйрайди. Тайёрлов гуруҳида тарбияланаётган сон ва алифбе ҳарфларини мукаммал ўзлаштиратганликлари гувоҳ бўлди. Раҳбар опа айтганидек, бошланғич таълим кейинги босқич талабларининг мустаҳкам пойдеворидир.

**Азиза Эргашева,
3-сонли ДМТТ услубчиси.**

ДЕПУТАТ МИНБАРИ



Халқ депутатлари Шўрчи туман Кенгаши депутати Суд ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш бўйича доимий комиссия раиси Ўрол Шерхановни кўпчилик ил-

эти. Депутат Ў.Шерханов ўрганиб, таҳлил қилган идораларида меҳнат қилаётган фидойи ходимларни бадий китоблар жамланмаси билан рағбатлантириб боришни ўзига



гари фидойи, намунали маҳалла оқсоқоли сифатида яхши танишган бўлсалар, кейинги йилларда фаол депутат сифатида яхши билишади.

Ўрол Шерханов жорий йилда ва-зифасидан келиб чиқиб, 30дан ортиқ идора ва ташкилотларнинг фаолиятларини ўрганиб чиқиб, 10дан ортиқ депутатлик сўровларини ижобий ҳал

одат қилган.

Куни кеча Ў.Шерханов «Бобот» ва «Хайрабод» МФЙларида бўлиб, намунали маҳалла раисларига бадий адабиётлар жамланмасини тортиқ этди.

**Д.МЕНГНИЯЗОВ,
«Жараён» муҳбири.**

2022-ЙИЛ 30-ДЕКАБРДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ПҚ-471-СОН ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 30-декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг «2023-йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-471-сонли қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорнинг 9-банди «2023-йил 1-январдан 2026-йил 1-январга қадар давлат мактабгача таълим ташкилотларида бола таъминоти учун ота-оналар тўлови миқдорларига нисбатан туманларнинг тоифасидан келиб чиқиб, қуйидаги камайтирувчи коэффициентлар қўлланилсин» деб белгиланди.

ҚУРИЛИШ ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ХУДУДЛАРДА ХАВФСИЗЛИКНИ ВА ФУҚАРО МУҲОFAZАСИНИ ТАЪМИНЛАШ МУҲИМ ВАЗИФА

Бугунги кунда муҳтарам юртбошимиз томонидан янги бино иншоотларнинг қурилиш ишларини олиб боришга жуда катта эътибор қаратилмоқда, кўп қаватли бинолар аҳоли тураржойларини янгидан қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилаётганини кўриб кўзингиз қувонади. Мисол учун буни Сурхондарё вилояти Шўрчи туманида ҳам кўплаб бино иншоотлари янгидан қад кўтараяётганлигини мисолида кўришимиз мумкин. Албатта, бу ишларни кўриб кўзимиз қувонади. Тангнинг икки томони бор деганларидек бундай қурилиш ишларида техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилишлари тўғрисида туманда қурилиш ишлари олиб борилаётган биноларда туман ФВБ ходимлари томонидан объектларида ишлаётган қурувчилар, муҳандис, ишчи ва хизматчилар билан биргаликда объектни кўздан кечириш жараёнида уларга доимий равишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига, қурилаётган бино ва иншоотлар ички ҳудудида ёнғувчи модда ва материалларни сак-

Яъни қарорнинг ушбу бандига асосан 5-тоифадаги туманларда — 50 фоиз; 4-тоифадаги туманларда — 50 фоиз;

3-тоифадаги туманларда (шаҳар аҳоли пунктларидан ташқари) — 30 фоиз давлат мактабгача таълим ташкилотларида бола таъминоти учун ота-оналар тўлови миқдорларига нисбатан камайтирувчи коэффициентлар белгиланди.

**Ш.ХУРРАМОВ,
Шўрчи тумани адлия бўлими юридик хизмат кўрсатиш маркази бош юрисконсульти.**

ламасликлари, вақтинчалик тураржойларида носоз ва қўлбола газбаллонлари ва электрпечлари, носоз электр симларидан фойдаланмасликлари, қурилиш ишлари олиб борилаётган ҳудуд атрофида очик жойлар қолмаслиги ва атрофдаги аҳоли ва ёш болалар қурилиш ишлари олиб борилаётган ҳудудга киришлари тақиқланиши борасида қоидалар хусусида тушунтириш ишлари амалга оширилмоқда. Ҳамда қурилиш материалларини олиб келган техникаларини тартиб билан қўйилишлиги ва ишчиларнинг кириш-чиқиш жойларини тўсиб қўймаслик ҳар қандай ҳолатда ҳам эркин ҳаракатланишни таъминлашлиги ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилди.

**М.АБСАМАТОВ,
Шўрчи тумани ФВБ НТБ бошлиғи катта лейтенант,
Т.ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Шўрчи тумани ФВБ ФВДТ ва ФМ бошлиғи лейтенант.**

ЛОЙИҲАЛАР МОЛИЯЛАШГАНДА САМАРАЛИ БЎЛАДИ

Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши котибати ташаббуси билан Шўрчи туманида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 25-октябрдаги «Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилаётган лойиҳаларни молиялаштириш кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-409-сонли қарорининг аҳамияти, мазмун-моҳиятини жойлардаги маҳалла фуқаролар йиғинлари масъуллари ва кенг жамоатчиликка тушунтириш ҳамда Сурхондарё вилоятида Ташаббусли бюджет жараёнлари бўйича 2022-йил 1-2-мавсум натижалари, вилоятда болалар нафақаси, моддий ёрдам ва давлат пенсия таъминоти тартиб-тамоийллари бўйича тушунтириш ишлари олиб бориш ва муурожаатларни камайтириш, соҳалардаги қонунчилик янгиликларини тегишли масъулларга етказиш ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг 2023-йилга мўлжалланган асосий йўналишларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Семинарни Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши котибияти мудир Сайддулло Абдураимов бошқариб борди.

«Бугунги семинар-тренинг ўзининг мазмун ва моҳияти жиҳатидан жуда катта аҳамиятга эга, - деди вилоят Кенгаши котибияти мудир С.Абдураимов. - Шу нуқтаи назардан «Опен бюджет бўладими, пенсия таъминоти, моддий ёрдам масалаларими, шу масалаларнинг мағзини қақиб олган ҳар бир раҳбар соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этишда қийналмайди, балки уларни ижобий ҳал қилишда муҳим роль ўйнайди.

Сурхондарё вилояти Солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи Собиржон Раҳмонкулов, Сурхондарё вилояти бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси бошлиғи Худойберди Нормаматов, Сурхондарё вилояти Молия бош бошқармаси бўлим бошлиғи Улуғбек Чориевлар ҳам сўзга чиқишиб, бир-биридан муҳим бўлган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилишди, солиқ ва пенсия тизимидаги ўзгаришлар ҳақида батафсил ахборот берди.

Семинар-тренинг йиғилганларда катта таассурот қолдирди. **Холтўра ШАФОАТОВ.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Шўрчи туманида жойлашган «SHO'RCHI OZOD XIRMONI» фермер хўжалигига тегишли бўлган бир донга гербсиз айланма ва тўртбўрчак тамғаси дубликати бекор қилинганлигини **маълум қиламиз.**

Шўрчи тумани «Ободон» маҳалласида яшовчи фуқаро Холиярова Гулжаҳон Шайдиловнага тегишли бўлган Шўрчи туман «Кўклам» маҳалласи А.Шамкаев кўчасида 18-уй, 20-сонли хонадонда жойлашган №19:14:11:01:08:00422:0001:020 кадастр рақамли уй-жойнинг кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

МУАССИС: Халқ депутатлари Шўрчи туман Кенгаши ва туман ҳокимлиги

Газета Сурхондарё вилоят Матбуот ва ахборот ҳудудий бошқармасида № 11-056 рақам билан 2013 йил 4 январда қайта рўйхатга олинган.

БОШ МУҲАРРИР:
Бахтигул Бозоровна
ЭЛМУРОВОВА
Тел: (91) 513-02-72
Тахририят манзили: 191500
Шўрчи шаҳри, Олтин бошоқ даҳаси, 2-уй.

Газета «Жараён» тахририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Навбатчи: Низом НОРҚОБИЛОВ
Дизайнер: Баҳром ХУДОЙБЕРДИЕВ
Нашр кўрсаткичи 6513.

Сотувда эркин нархда.
Тахририятга келган қўлёзмалар такриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газета «Сурхон тонги» ва «Заря Сурхана» газеталари тахририяти босмаҳонасида А-2 ҳажмда 1000 нусхада чоп этилди.
Буюртма Г-____
Топшириш вақти 09:00, топширилди 09:00да.
Босмаҳона манзили: Термиз шаҳри, Шукрона кўчаси, 21-А уй.